Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 108 (7248). ● 5 июнь, 1980 йил ◆ ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ГУРУНГИ

Ўзбекистон ССРда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари тантанали очилди

Ўзбекистон диёрида қардошлик байрами — Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари бошланди. Бу байрамнинг ажойиб фазилатлари кўп. Совет халқларининг улуғ Лении васият қилган дўстлигига садоқат шу фазилатларнинг энг муҳимидир.

4 июнь куни Алишер Навоий номли опера ва балет театрида Ўзбекистон ССРда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларининг тантанали очилишига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Тантанали кеча қатнашчилари Озарбайжон ССР делегациясини самимий кутиб оладилар. Театр залида республика Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Багиров, Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. Г. Аҳмедов, байрамга келган адабиёт ва санъат усталари бор эдилар.

Кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Маҳмудов, С. У. Султонова, Озарбайжон делегацияси аъзолари президиумга чиқиб ўтирадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев кечани қириш нутқи сўзлаб очди. У Озарбайжон вакилларини, нефть ва пахта, машинасозлик ва сохибкорлик ўлкасининг барча меҳнаткашларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, бутун Ўзбекистон халқи номидан астойдил табриклади.

Биз ажойиб республикангизнинг экономикаси ва маданияти равнақини ифтихор билан кузатиб турибмиз, деди Н. Ж. Худойбердиев. Яқинда биз Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси, унинг жангларда ва меҳнатда чиниққан қаҳрамон авангарди — Озарбайжон Коммунистик партиясининг шонли 60 йиллигини сизлар билан бирга катта байрам сифатида нишонладик. Республикангиз КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишдаги катта муваффақиятлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги учун юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирланганини эшитиб сизлар билан бирга сидқидилдан қувондик.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг республикангиз меҳнаткашларига йўллаган самимий табрикномасида совет халқининг муштарак ҳис-туйғулари ўзининг яққол ифодасини топди.

Серқуёш Озарбайжон бизнинг дилимизга яқин ва азиздир. Азиз меҳмонларимиз, сизларни ўзбеклар диёрида астойдил табриклаймиз, қардош республиканинг барча меҳнаткашларига чин кўнгилдан умумхалқ бахт-саодати, севикли Ватанимиз манфаатлари йўлида, Ленин партиясининг улуғ ва енгилмас байрогига ёзиб қўйилган идеалларнинг тантанаси йўлида янгидан-янги ижодий ютуқлар ва меҳнат муваффақиятлари тилаймиз.

Сизлар Ўзбекистонда бўлган вақтингизда республикаларимиз халқларининг ишлари ва фикри-зикри бир эканига яққол ишонч ҳосил қила оласизлар. Шаҳар ва қишлоқларда — ҳамма жойда Ўзбекистон ССР ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг зарбдор меҳнати жўш урмоқда. Озарбайжон ССРдаги қардошларимиз каби улар ҳам ўзларининг бутун истеъдодлари, ақл-заковатлари ва қалб ҳароратини коммунизм қуришдек буюк ишга, севикли Ватанимизнинг шон-шуҳрати ва равнақи йўлида сарфламоқдалар.

Республикамизда бўлганингизда, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари билан учрашасизлар, Ўзбекистоннинг коммунистик қурилишдаги ютуқлари билан, халқ турмуши билан, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёт чўққиларига жадал кўтарилишдаги муваффақиятлари билан батафсил танишасизлар. Ҳозирги Ўзбекистон — «оқ олтин» ўлкаси, қудратли индустрия ва илғор қишлоқ хўжалиги ўлкаси, мамлакат фани ва маданиятининг йирик марказидир.

Мазмунан социалистик, шаклан миллий адабиёт ва санъат барқ уриб ривож топди. Халқларимиз маънавий бойликларини йил сайин тобора саховат билан баҳам кўрмоқдалар, миллий маданиятлар ўзаро яқинлашиб, бири-биридан баҳра олмоқда. Мана шу жараёнда адабиёт ва санъат кунлари самарали роль ўйнамоқда.

Республика меҳнаткашлари Озарбайжон санъатини яхши биладилар ва севадилар, унинг энг яхши намояндалари билан бўладиган учрашувларни завқ-шавқ ва муштоқлик билан кутмоқдалар. Театрларда, концерт залларида, заводлар ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида сизларни энг ардоқли меҳмонлардек кутиб оладилар.

Бу ерда, Ўзбекистонда сизлар бой ва ўзига хос Озарбайжон санъатининг кўпдан-кўп чин дўстлари ва ихлосмандларини орттирасизлар.

Бугун Ўзбекистон бўйлаб байрамона юриш бошлаётган Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари кўп миллатли совет маданиятини янада равнақ топтириш, халқларимизнинг дўстлиги, қардошлиги, бирлигини мустаҳкамлаш юзасидан партиямиз ўртага қўйган вазифани ҳал этишда катта роль ўйнаши шубҳасиз. Бу кунлар қардош маданиятларнинг арбобларини янги-янги ижодий ишлар ва зафарларга руҳлантиради.

СССР, Озарбайжон ССР ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари янграйди.

Кеча қатнашчиларининг қарсаклари остида меҳмонларга Владимир Ильич Ленин сиймоси туширилган гулдон эсдалик совға қилиб топширилади.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Багировга сўз берилади. Самимий ва шодиёна кутиб олинганликлари учун у Ўзбекистон меҳнаткашларига Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Озарбайжон халқи, байрамнинг барча қатнашчилари номидан миннатдорчилик билдиради, КПСС XXV съезди режаларини амалга оширишда уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

Озарбайжон ва Ўзбек халқлари, барча совет халқлари дўстлиги ва бирлигининг ажойиб байрами очилаётган шу завқли дамларда биз давримизнинг ақл-заковати, шон-шарафи ва виждони тимсоли бўлмиш Коммунистлар партиясига қайта-қайта астойдил меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғулари билан мурожаат этамиз, дейди Озарбайжон делегациясининг раҳбари, партия, унинг Марказий Комитети раҳбарлигида, содиқ ленинчи, замонамизнинг буюк сиёсий ва давлат арбоби, ер юзида тинчлик ва бахт-саодат учун, коммунизм ғояларининг тантанаси учун изчил курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси раҳбарлигида мамлакатимиз коммунистик қурилишда тобора янги-янги муваффақиятларга эришмоқда.

Биз эришган ютуқларнинг ҳаммаси, давлатимиз ихтиёридаги бойликларнинг барчаси — КПСС ленинча миллий сиёсатининг ажойиб самаралари эканини совет кишилари биладилар. Советлар мамлакатининг куч-қудрат манбаи бўлган халқларнинг метиндек дўстлиги мустаҳкам интернационализм заминида вужудга келди, кучга тўлди, даҳшатли синовлардан ўтиб, тарихий ғалабаларимизнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб қолди.

Озарбайжон ва Ўзбекистон халқлари кўп асрлик дўстлигининг улуғвор ва ажойиб тарихи бор. Биз Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Фатали Охундов, Аҳмад Самарқандий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Жалил Мамедқулизода, Абдулла Қодирий ва адабиётларимизнинг бошқа кўпгина атоқли намояндалари номларини гурур ва ифтихор билан тилга оламиз. Улар асрлар давомида халқлар дўстлиги эстафетасини бир-бирларидан қабул қилиб олиб, зулмат ва жаҳолатга қарши, порлоқ келажак учун курашда одамларга ёрдам бериб келдилар.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг, аввало пахтакорларининг социалистик мусобақаси чинакам интернационализм мактаби, меҳнатдаги ўзаро муваффақиятларнинг ажойиб омили бўлиб қолди. Уларнинг мамлакат пахтакор республикалари мусобақасига асос солган меҳнатдаги беллашуви ҳозир ҳам давом этиб, йил сайин тобора кўпроқ ажойиб натижалар бермоқда. Озарбайжон деҳқонлари ўлкамиз пахтачилигининг бутун тарихи давомида биринчи марта 740 минг тоннадан кўп пахта ҳосили олганликлари тўғрисида фахрланиб гапирар эканмиз, биз ўзбек «оқ олтин» усталарига ташаккур сўзларини айтамиз, чунки уларнинг ғоят бой тажрибаси ва билими, бегараз ёрдами пахтазорларда шу қадар бўлиқ ҳосил етиштиришга ёрдам бермоқда.

Озарбайжон билан Ўзбекистоннинг адабиёт ва санъат усталари биргаликда меҳнат қилаётган соҳада ҳам биз ажойиб самаралар олаяпмиз. Улар ўз сафларини бисотидаги энг яхши фазилатларни ўзлаштириб олиб, уларнинг анъаналарини ривожлантириб, ўз маданиятининг бойликларини бир-бирлари билан саҳийларча баҳам кўрмоқдалар. Маданиятлар ўзаро ёрдами ва дўстлигининг мана шу ҳаётбахш жараёни Советлар мамлакати халқларининг маънавий бойлигига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 35 йиллиги нишонланган шонли йилда ўтмоқда. Яқинда республикамиз меҳнаткашлари Озарбайжон ССР билан Озарбайжон Коммунистик партиясининг 60 йиллигини бутун мамлакат билан бирга тантанали нишонладилар. Барча иттифоқдош республикалардан, Москва ва Ленинграддан вакиллар қатнашган юбилей тантаналари Советлар мамлакати халқлари дўстлиги ва қардошлигининг ҳақиқий байрами бўлди.

Ҳозирги дўстлик байрамимиз ҳам кўп миллатли мамлакатимиз халқлари бирлиги ва қардошлигининг ёрқин намойишига айланишига аминмиз.

Озарбайжон вакиллари Низомий портрети туширилган гиламни, Ҳамза образи тасвирланган картинани қардош республикага туҳфа қилдилар.

Инсон қўлларининг ҳарорати билан етиштирилган гўзал пахта чаноғи Озарбайжон ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаларининг Гербларини безаб турибди. Шу чаноқни иккала халқ қалбларини туташтирувчи яна бир кўприк деса бўлади.

Пахта чаноғи Ўзбекистон ва Озарбайжон олимларининг илмий ишлари учун эмблема бўлиб хизмат қила

(Давоми 2-бетда).

ТАСС ахборoти

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖНИНГ ОРБИТА БЎЙЛАБ УЧИШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

КОСМОНАВТЛАР КУБАСОВ ВА ФАРКАШ ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт—учувчиси Валерий Николаевич Кубасов билан тадқиқотчи космонавт, Венгрия Халқ Республикасининг граждани Фаркаш Берталандан иборат халқаро экипаж «Салют—6», «Союз—35», «Союз—36» орбитал илмий тадқиқот комплексида биргаликдаги тадқиқотлар ва экспериментларнинг белгиланган программасини муваффақиятли бажариб бўлгач, 1980 йил 3 июнда ерга қайтиб тушди. Космонавтлар Попов ва Рюмин ўртоқлар «Салют—6» станциясидаги ишни давом эттирмоқдалар.

«Союз—35» космик кемасининг туширилувчи аппарати Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган районида, Жезқазғон шаҳридан 140 километр жанубий-шарқда Ерга қўнди. Кубасов ва Фаркаш ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«Салют—6», «Союз— 35», «Союз—36» орбитал комплекси ичидаги етти кунлик учиш давомида халқаро экипаж Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикасининг олимлари биргаликда тайёрлаган ва планлаштириб қўйилган тадқиқот ҳамда экспериментларни тўла-тўкис бажарди.

Атроф муҳитни ва табиий ресурсларни халқ хўжалиги турли тармоқларининг эҳтиёжлари учун ўрганиш программаси доирасида космонавтлар ер юзасини ва дунё океани акваторияларини оддий кўз билан кузатдилар ва фотосуратга олдилар. Суратга олиш ишлари совет фотоаппаратлари ҳамда СССР билан ГДР мутахассислари биргаликда ишлаб чиққан «МКФ—6М» кўп зонали космик фотоаппарат ёрдамида бажарилди.

Медицина тадқиқотлари программасига мувофиқ космик учиш омилларининг инсон организмига таъсирн янада чуқурроқ ўрганилди.

«Интеркосмос» программасига биноан ўтказилган навбатдаги космик учиш муваффақиятли тугалланганлиги тинчлик ва фан-техникани янада ривожлантириш манфаатлари йўлида космик фазони тадқиқ этиш ва ўзлаштиришда қардош социалистик мамлакатлар самарали ҳамкорлигининг янги намунасидир. Халқаро Совет— Венгер экипажининг иши СССР билан ВХР халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР УЧУВЧИ — КОСМОНАВТИ ИККИ МАРТА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ЎРТОҚ В. Н. КУБАСОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют—6» —«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космоса учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР учувчи— космонавти ўртоқ Валерий Николаевич **Кубасов Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 3 июнь

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ВХР ГРАЖДАНИ КОСМОНАВТ-ТАДҚИҚОТЧИ БЕРТАЛАН ФАРКАШГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют—6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космоса учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун ВХР граждани космонавт— тадқиқотчи Берталан **Фаркашга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ва **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 3 июнь

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

2 ва 3 июнь кунлари КПСС Марказий Комитетида энергетика иншоотлари қурувчилари, энергетика, энергия машинасозлиги корхоналари ва институтлари ходимларининг энергетикани ривожлантириш масалаларига бағишланган кенгаши бўлди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари В. И. Долгих, М. В. Зимянин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, В. Э. Димшиц, Н. В. Мартинов, В. Н. Новиков, СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров, ВЦСПС Раиси А. И. Шибаев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, СССР министрлари, бир қанча марказий идораларнинг раҳбарлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг, СССР Халқ контроли комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашни А. П. Кириленко очиб, нутқ сўзлади.

Партиямиз, деб уқтирди у, совет давлати барпо этилган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатни электрлаштириш, энергетикани ҳалдам ривожлантириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Тарихий ГОЭЛРО плани қабул этилиши билан бу ишга асос солинди, шу план нинг 60 йиллиги 1980 йил декабрида нишонланади.

Совет кишилари Ватанимиз электроэнергетикасининг ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Кейинги 15 йилнинг ўзида мамлакатда электр энергия ишлаб чиқариш қарийб 3 баравар кўпайди, 165 миллион киловатт қувватли янги энергетика иншоотлари ишга туширилди. 1964 йилдан бери ўтган давр ичида меҳнатнинг электр билан таъминланиши саноатда 1,9 баравар, қишлоқ хўжалигида эса 8 баравар ошди. Аҳолининг рўзғор эҳтиёжларига электр энергия истеъмол қилиш 2,7 баравар кўпайди.

Бу муваффақиятлар нақадар катта бўлмасин, экономикамизнинг мана шу жуда муҳим сектори бўлмиш электр энергетикани ривожлантириш проблемалари ўз актуаллигини йўқотгани йўқ ва ҳеч қачон йўқотмайди, деди сўзини давом эттириб А. П. Кириленко. Партия шунга асосланадики, мамлакатнинг келгусидаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини, совет кишиларининг фаровонлигини оширишни халқ хўжалигининг энергетика потенциалини илдам ўстириш йўли билангина таъминлаш мумкин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумидаги нутқида ёқилғи-энергетика комплексимиздаги ишларнинг аҳволини нақадар чуқур таҳлил этганлигини яхши биласизлар, деди у. Ўша нутқда халқ хўжалиги соҳасидаги бошқа муҳим вазифалар билан бир қаторда энергетикамизнинг истиқболлари тўғрисидаги принципиал фикрлар ҳам ўртага қўйилди.

Энергетика проблемаларининг бутун комплексини пухта ўйлаш, 80-йилларда мам-

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚ МЕҲР-МУҲАББАТИ РАМЗИ



Ўзбекистон ССРда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчилари 4 июнда Тошкентнинг улуғ Ленин номидаги майдонига кириб Ильич ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Озарбайжон ва Ўзбекистон тупроғида етиштирилган ана шу гулларда йўлбошчига, Коммунистик партия билан жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчисига бўлган миннатдорчилик туйғулари ўз ифодасини топди. Улуғ Ленининг қардош совет халқлари дўстлигига оид абадий барҳаёт ғоялари шу халқлар миллий маданиятларини мислсиз равнақ топтириш негизи бўлди.

Шу куни қардош республика вакиллари Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйдилар.



Суратда: В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйиш пайти.

(ЎзТАГ фотоси).

СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

4 июнь куни Тошкентда республика геологларидан бир группасига 1979 йилги СССР Давлат мукофотларини топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Геологлар Ўзбекистоннинг ер бағирларида газ, газ конденсати ҳамда газ олтин-гугуртининг катта-катта запасларини очиб, разведка қилганликлари учун ана шу мукофотларга сазовор бўлдилар. Бу запаслар мамлакатнинг ёқилғи хом ашё базасини кенгайтиришни таъминлади.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик О. С. Содиқов очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов конларни очиш ва разведка қилиш ишларининг раҳбари — Ўзбекистон ССР геология министри Х. Т. Тўлагановга, нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси институтининг директори А. М. Акромхўжаевга, нефть ва газ разведкаси Ўзбекистон ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош геологи А. Г. Иброҳимовга, Муборак нефть-газ — разведка экспедициясининг парма-лаш мастери А. Ҳожиматовга, «Ўзбекгеофизика» бирлашмасининг бош директори Т. Л. Бобожоновга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори Н. Ҳ. Алимуҳамедовга СССР Давлат мукофотлари берилганлиги тўғрисидаги ёрлиқларни ҳамда лауреатларнинг кўкракка тақиладиган нишонларини топширди.

Ш. Р. Рашидов мукофотланганларни самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, илғор совет фани шуҳрати йўлида, социалистик ватанни равнақ топтириш йўлида янги-янги муваффақиятлар тилади.

Х. Т. Тўлаганов ва А. М. Акромхўжаев ўз меҳнатларига юксак баҳо берганликлари учун лауреатлар номидан Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига астойдил миннатдорчилик изҳор этдилар, республика геологлари социалистик ватан бойликлари ва куч-қудратини кўпайтириш учун куч ва билимларини аямайдилар, деб ваъда бердилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. Н. Лапкин лауреатларни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми номидан, республика олимлари номидан муборакбод қилди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Боши 1-бетда)

лакатнинг ёқилғи энергетика балансини анча яхшилаш зарур, деб таъкидлади Л. И. Брежнев. Олис истиқболга мўлжалланган илмий, чуқур ўйлаб тузилган ва иқтисодий жиҳатдан асосланган энергетика программасини ишлаб чиқишни ўртоқ Л. И. Брежнев энг муҳим вазифа қилиб қўйди.

Леонид Ильич энергетикага ва у билан боғлиқ тармоқларга, партия ташкилотлари билан барча меҳнаткашларнинг халқ хўжалиги энергетика таъминотини ошириш планларини бажариш йўлидаги, ёқилғи ва энергияни тежаш йўлидаги курашига доимо эътибор бериб келмоқда. У мана шу кенгашни танқидларга ғоят қизиқиб қаради, унинг қатнашчиларига самарали ишлашларини тилади ва ўзининг самимий саломини етказишни илтимос қилди.

Бу йил — алоҳида йил, деди сўнгра нотиқ. Бу йил ўнинчи беш йилликни тугаллайди, КПСС XXVI съездига тайёргарлик йили бўлади. Мамлакатнинг барча меҳнаткашлари каби энергетиклар ҳам партия билан бутун совет халқининг ҳаётидаги мана шу буюк воқеани ишлаб чиқаришда янги юксак муваффақиятлар билан кутиб олиш учун имконн бўлган ҳамма ишни қилишларига шак-шубҳа йўқ.

Электр энергетикадаги фан-техника тараққиёти сўрғатларини кучайтириш жуда муҳим вазифадир. Электр энергетикамиз ҳозирнинг ўзидаёқ ёқилғи сарфи улуши, энергетика агрегатларининг бирламчи қувватлари, электр тармоғининг кучланиш даражаси, иссиқлик билан таъминлаш миқёслари сингари кўрсаткичлар жиҳатидан дунёда олдинги позицияларни эгаллаб турибди. Ўнинчи беш йилликда энергетика системалари юксак даражада тежамли агрегатлар, қудратли атом реакторлари, мукаммал электртехника асбоб-ускуналари билан тобора кўпроқ таъминланмоқда.

Кейинги йилларда Чернобил, Курск, Ленинград, Белоярск, Арманистон ва Балхашнинг атом электр станцияларида янги энергетика блоклари ишга туширилди. Саян-Шушенск, Уст-Илим, Норак ва бошқа гидроэлектр станцияларда йирик гидроагрегатлар ишлатила бошланди. Европада энг қудратли Запорожье ва Углегорск иссиқлик электр станцияларн қуриб битказилди. Ўнинчи беш йилликда 129 минг километр янги юқори вольтли электр линиялари ишга туширилди.

Ватан электр иншоотлари қурувчиларининг, шу иншоотларни ишлатувчиларнинг ва энергетика машинасозлиги корхоналари ходимларининг фидокорона меҳнатини юксак қадрлайди. Меҳнатдаги катта муваффақиятлари учун кўпгина ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаларида илғор коллективларнинг ютуқлари таъкидлаб ўтилди.

Шундай қилиб, деб уқтирди А. П. Кириленко, ўнинчи беш йилликда энергетика соҳасида катта-катта миқдор ва сифат ўзгаришлари рўй берди. Шу билан бирга мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан янада тараққий эттириш, коммунизмнинг моддий техникавий базасини вужудга келтириш манфаатлари ўн биринчи беш йилликда энергетикамизни янада кучли равишда юксалтиришни таъминлашни талаб қилади.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети 1980 йилга алоҳида аҳамият бермоқда. Шу йил мобайнида бир триллион уч юз миллиард киловатт соат электр энергия ҳосил қилиниши керак. Атом ва гидравлика электр станцияларида қувватлар айниқса кўп миқдорда — 1979 йил даражасига нисбатан қарийб икки баравар оширилиши лозим.

Давлат планининг барча топшириқлари сўзсиз бажарилиши керак, деб таъкидлади А. П. Кириленко. Атом ва иссиқлик электр станциялари қурилишини, айниқса жанубий Украина, Чернобил ва Смоленск атом электр станциялари, Молдавия, Барнаул, Таллин, Целиноград иссиқлик электр станцияларн сингари иншоотлар қурилишини дарҳол тезлаштириш зарур.

Ўз территорияларида электр станциялари қурилаётган иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва областларнинг партия комитетлари энергетика қурилишларига эътиборн кучайтиришлари, ишларнинг пухта ташкил этилишини таъминлашлари, мавжуд резерв ва имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишлари лозим. Ҳамиша бўлганидек, ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан омма орасидаги моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишга боғлиқ бўлади. Бу ишнинг аҳамиятини Леонид Ильич «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўрқ» китобларида жуда яққол ва мароқли тасвирлаб берди.

Энергетика қурилишларидаги партия ташкилотларининг вазифаси меҳнат коллективларининг ижодий кучларини энергетика агрегатлари қурилишини тезлаштиришга ва уларни муддатидан илгари ишга туширилишини таъминлашга сафарбар қилиниши лозим. Энергетика машина-ускуналарини имкони борича қисқа муддатда ёкказиб бериш — машинасозлик заводлари коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг шон-шарафи ишидир. Партия ташкилотлари «ишчи эстафетаси» сингари ташаббусни қўллаб-қувватлаши, ишлаб чиқаришга самарали мусобақа формаларини, Ленинград корхоналари ва ташкилотларининг Саян-Шушенск ГЭСи қурувчилари билан ҳамдўстлик тажрибасини ва бошқа иш формаларини кенгроқ ривожлантиришлари лозим.

Сўнгра нотиқ машинасозларнинг энергетика машина-ускуналари ва приборлари илғор турларини кўпроқ ишлаб чиқариш соҳасидаги вазифаларига батафсил тўхталди. СССР Госплани билан Госснаби министрликларга зарур ёрдамни беришлари кераклигини таъкидлади. Айни вақтда министрликларнинг ўзлари ва уларга қарашли корхоналарнинг раҳбарлари ҳам план интизомига риоя қилиниши учун самарали кураш олиб боришлари, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражасини оширишлари лозим.

Экибастуз ва Канск—Ачинск ёқилғи-энергетика комплексларини барпо этиш соҳасидаги ишларни жадал авж олдириш 1980 йилги ва шундан кейинги йиллардаги энг муҳим вазифалардан бирдир, деди сўзини давом эттириб А. П. Кириленко. Бу иншоотлар бутун халқ хўжалиги учун, Сибирь ва Қозоғистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш учун, мамлакатнинг Марказий районларини электр энергия билан таъминлаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Яқинда СССР Министрлар Совети «Халқ хўжалигини ва аҳолини 1980/81 йил куз-қиш фаслида ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу қарорда мазут ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кўмир ва газ қазиб олиш планини ошириб бажариш ҳамда ёқилғи ва электр энергияни қўшимча равишда тежаш тошшириқлари кўзда тутилган. Кўмир ва нефть саноати ходимлари ёқилғи қазиб чиқаришни кўпайтириш учун сабот билан курашишлари, белгиланган топшириқлар тўла ва ошириб бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишлари лозим. Темирйўлчилар кўмир ва мазутни электр станцияларига узлуксиз етказиб беришни таъминлашлари зарур.

СССР Госплани билан СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қилган дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда,— деди А. П. Кириленко,— 1981—85 йилларда халқ хўжалигини электр энергия билан тўхта таъминлаш учун ҳозирги беш йилликка нисбатан бир неча миллион киловатт кўп янги энергетика қувватлари ишга туширилиши керак бўлади.

Энергетикадаги илғор йўналишларга алоҳида эътибор берилади, деди у. Аввало СССРнинг Европа қисмида атом энергетикасини кўпроқ ривожлантириш мана шундай йўналиш ҳисобланади.

Гидроресурслардан комплекс фойдаланиш зарурини эътиборга олиб, шу ресурсларни мамлакатнинг энергетика балансига янада активроқ жалб этиш — яна бир муҳим йўналишдир. Энергетика системаларидан омилкорлик билан фойдаланиш даражасини ошириш учун гидроаккумуляция ва газ турбина станцияларини қуриш мўлжалланмоқда. Ғоят олис электр линиялари қуриш зарбдор иш соҳаси эканлиги таъкидланди. Умуман энергетика қурилишининг ўн биринчи беш йиллика мўлжалланган программаси Ватанимиз энергетикасининг ўз ривожида сифат жиҳатдан янги босқичга киришидан дарак беради, деди А. П. Кириленко. Бу программани амалга ошириш учун қурувчилар, лойиҳачилар, машинасозлар ва энергетикларнинг иш методларини жиддий равишда қайта қуриш керак. Энергетика ривожидаги, айниқса атом энергетикаси ривожидаги янги йўналишлар муносабати билан илмий ва конструкторлик ташкилотлари, корхоналар, қурувчилар ва монтажчилар ҳозирнинг ўзидаёқ катта ва мураккаб техникавий проблемаларни ҳал этишларига тўғри келмоқда.

Меҳнат унумдорлигини янада ўстириш — бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишдаги марказий бўғиндир. Ҳамма қурилиш майдонларида ишларнинг пухта ташкил этилишини таъминлаш, иш вақтининг зое ўтишини ложни борича камайтириш, асбоб-ускуналардан ва автомобиль транспортидан яхшироқ фойдаланиш, қўл меҳнати ва ёрдамчи ходимлар улушини қисқартириш лозим. Энергетика қурилишини планлаштиришни практикасида қувватларни асосан йил охирида ишга туширишни кўзда тутиш, капитал маблағларни эса ҳаддан ташқари кўп сонли объектларга сочиб юборишни сингари практикадан қатъиян воз кечиш керак.

Олимлар ва бош конструкторлар олдида, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг барча ходимлари — энергетика учун янги техника ижодкорлари олдида катта-катта вазифалар турибди, деб таъкидлади А. П. Кириленко. Уларнинг бурчи энергетика машинасозлигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун янада самароқроқ қурашишдан, яратилаётган асбоб-ускуналар ўзининг тежамлилиги, хизмат қилиш муддати жиҳатидан дунёдаги энг яхши намуналарга тенг келибгина қолмай, улардан устун ҳам бўлишига эришишдан иборат.

А. П. Кириленко энергетика машина-ускуналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш, технология жараёнларини автоматлаштириш ва бошқариш проблемаларига тўхталиб ўтди.

Корхоналар ва ташкилотларда ёқилғи, электр ва иссиқлик энергиясини тежаш резервларини ҳидириб топиб, улардан фойдаланиш соҳасидаги ишнинг даражаси ҳали қўйилаётган талабларга мувофиқ эмаслигини нотиқ уқтириб ўтди. Кўпгина саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар, коммунал-маиший ташкилотларда ёқилғи ва энергия сарфлашда исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Ёқилғи ва энергия сарфини нормалашда жиддий камчиликлар бор.

А. П. Кириленко партия ташкилотларининг меҳнат коллективларини энергетикани ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга сафарбар қилиш соҳасидаги илғор иш тажрибасига катта эътибор берди. Ленинград область партия ташкилотининг энергетика асбоб-ускуналарини ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим вазифаларни ҳал этишга комплекс ёндошиш практикасини қўллаб-қувватласа арзийди. Украина, Белоруссия ва Эстония Компартиялари Марказий Комитетлари, Красноярск ўлка, Воронеж, Свердловск, Запорожье, Иркутск, Саратов ва Кострома область, Москва шаҳар партия комитетлари энергетикани ривожлантириш масалаларини ҳал этишда кўпгина қимматли тажриба орттирдилар.

Шундан кейин А. П. Кириленко келажак энергетикаси тўғрисида ҳам барвақт ўйлаш зарурлигини таъкидлади. Тез нейтронлар асосига қурилган реакторли атом электр станцияларн қурилишини кенгайтириш, бошқариладиган термоядро синтези ишларини кучайтириш, қуёш ва геотермал энергиядан, ўта юқсак ўтказгич ҳодисалардан фойдаланиш шулар жумласига киради. Нотиқ ишонч билдириб айтдики, СССР фан ва техника давлат комитети, СССР Фанлар академияси, СССР Госплани, министрликлар ва идоралар мана шу актуал илмий-техникавий проблемаларни ишлаб чиқишга, шубҳасиз, юксак масъулият билан ёндашадилар, илмий кашфиётлардан фойдаланиш билан, янги техникани яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларнинг комплекс ҳал қилинишини таъминлайдилар.

Пировардида А. П. Кириленко халқаро масалаларга тўхталди. Империалист доиралар ва аввало АҚШдаги мана шундай доиралар ўз ҳаракатлари билан халқаро вазиятни таҳликали равишда чигаллаштириб қўйдилар, деб уқтирди у. Мана шундай шароитда партиямиз Марказий Комитети, Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев ички ривожланиш проблемалари билан чуқур шуғулланиб, айни вақтда ленинча ташқи сиёсат йўлини ўтказишга, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва баҳамжиҳат ҳаракатларини мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун курашга жуда катта эътибор бермоқдалар.

Совет халқи, деди у, зўр куч ва имкониятларга эгадир, у коммунистик қурилишнинг ленинча йўлидан комил ишонч билан бормоқда.

1980 йилда қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилишини, янги энергетика қувватларини ишга туширишни таъминлаш тадбирлари тўғрисида ҳамда энергетика ривожининг асосий йўналишлари ҳақида СССР Энергетика ва электрлаштириш министри П. С. Непорожний доклад қилди.

Кенгашда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Н. Новиков ва В. Э. Димшиц, СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров, СССР министрлари В. В. Кротов, К. Н. Руднев, Е. П. Славский, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Титаренко, Ленинград область партия комитетининг секретари А. П. Думачев, бир қанча корхоналарнинг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар сўзга чиқдилар.

Секцияларнинг мажлисларида энергетика объектларини қуриш ва ишлатишни ташкил этишни яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган энергетика машина-ускуналарининг тежамлилиги, пишиқ-пухталиги ва чидамлилигини ошириш, машина-ускуналарнинг ишга туширилаётган қурилишларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш соҳасидаги кўпдан-кўп масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бу секцияларнинг ишида 750 дан ортиқ киши қатнашди.

А. П. Кириленко кенгашни ёниқ деб эълон қилиш олдидан бундай деди: Леонид Ильич Брежнев кенгаш ишига ғоят қизиқиб қараганлигини сизларга мамнуният билан маълум қиламан. Л. И. Брежнев совет энергетикаси ўнинчи беш йиллиги шараф билан тугалланишини ва КПСС XXVI съездини муносиб равишда кутиб олишларини, деб қатъий ишонч билдирди.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ГУРУНГИ

(Боши 1-бетда).

олади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик О. С. Содиқов меҳмонларни Ўзбекистоннинг ижодий ходимлари номидан табриклаб, тантанали кечада олимларнинг қадимий ва мустаҳкам алоқалари тўғрисида гапирди. Республикангизнинг илм-фан соҳасида эришган жуда катта тараққиёти билан, қудратли илмий потенциал вужудга келтирилганлиги билан биз ҳам фахрланамиз. Илм-фаннинг нефть химияси, электроника, физика ва бошқа соҳаларида олимларингиз умумиттифоқ аҳамиятига молик бўлган муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу ҳисса кун сайин кўпайиб Ватанимиз фанининг шуҳратини оширмоқда.

Халқларимиз адабиёт ва санъат соҳасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш билангина кифояланиб қолган эмаслар. Биз мўл пахта ҳосили олишда, нефть қазиб чиқаришни оширишда бир-биримиздан ўрганаяпмиз. Тошкент зилзиласидан кейин Озарбайжон бинокорлари қуриб берган иморатлар Тошкентда абадий ва бузилмас дўстлик ёдгорликлари бўлиб турибди.

Бугун биз туғишган оғаини ва опа-сингиллардек бу ерга тўпландик. Хонадонларимизнинг эшиги сизлар учун ҳамиша очиқ.

Кашли машинасозлик заводи фрезерчиларининг бригадири О. С. Багиров кечада сўзга чиқиб, Озарбайжонда ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчилари бўлган унутилмас учрашувлар тўғрисида гапирди. Ўшанда, деди ишчи, биз Ўзбек дўстларимизга яна ҳам яхшироқ ишлаймиз, деб ваъда берган эдик. Биз сўзимизнинг устидан чиқдик. Ўзбекистонда ҳам яхши маълум бўлган нефть қазиб чиқариш саноати учун асбоб-ускуналар тайёрловчи заводимиз коллективи шу беш йиллик топшириғини муваффақиятли уддалади.

Фрезерчилар бригадири беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада Ўзбекистон меҳнаткашларига янги-янги муваффақиятлар тилади.

— Озарбайжон пахтакорлари,— дейди Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригадири, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова меҳмонларга табрик сўзи билан мурожаат этиб, социалистик мусобақада бизнинг азалий ва энг яхши дўстларимиздир. Биз кордек оппоқ хирмонлар тоғдек кўтарилиши учун пахта етиштиришни бир-биримизга ўргатамиз ва ёрдам берамиз. Пахта, «оқ олтин» етиштираётган миришкорларнинг олтин қўлларн қўшиқ ва достонларда мадҳ этилмоқда, уларнинг фидокорона меҳнати қўшиқларда куйланмоқда.

Озарбайжон ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Озарбайжон халқ ёзувчиси И. А. Қосумов Ўзбекистон диёридаги тўлқинлантирувчи, қувончли учрашувлар тўғрисида гапирди. Бизнинг қалбларимиз, деди у, шод-ҳуррамлик билан бирга ҳаяжонга ҳам тўлиб-тошгандир—яқиндагина Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчилари каби биз ҳам ўзбек қардошларимизга ўз ўлкамизни муносиб равишда таништира олармиканмиз. Бизнинг қалбларимиз белгиланган мўлжалдаги қатламга яқинлашиб олган нефтчи, пўлат қўлёғган металлург, ўзи етиштирган ҳосилнинг илк чаноқларини тераётган пахтакор бошидан кечирадиган ҳис-туйғуларга тўлиб-тошган. Адабиётимиз ва санъатимизнинг олимпиа машъали ҳозирдаёқ ёнмоқда ва биз унинг алангаси унутилмас бўлиб қолмоғи учун ҳамма ишни қилдик.

Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари — икки қардош халқлар ва маданиятларнинг учрашувларигина эмас. Бу байрамда Москва ва Тюмендан, Тбилиси ва Таллиндан келган меҳмонлар ҳам бор. Бу — барча совет халқлари маданиятининг байрамидир.

Машҳур саҳна усталари ҳам, ёш артистлар ҳам тантанали кунга тухфа қилган байрам концерти буюк Низомий гуллаб-яшнаётган боғ деб аталган октябрь қуёши остида равнақ топган диёрнинг ранг-баранг бўёқларини ўзига сингдирди. Бу концертда Ватан, партия, дўстлик тўғрисидаги қўшиқлар янгради.

Концерт композитор Қ. Қулиев ва шоир Наби Ҳазрий ушбу байрам шарафига яратиб, ўзи билан бирга Тошкентга олиб келди.

Кеча қатнашчилари СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рашид Бейбутовни, дирижёр — СССР халқ артисти Давлат мукофотларининг лауреати Ниёзийни, СССР халқ артисти Лутфиёр Имоновни, Ўзбекистон ССР халқ артисти Нозим Ризаевни, Озарбайжон ССР халқ артисти Фарҳод Бадалбейлини, Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР халқ артистя Зайнаб Хонларовани ғалаянн қарсаклар билан кутиб олдилар.

Концертда Узеир Ғажибековнинг классик бўлиб қолган асарлари — «Ғўр ўғли» операсидан, «Аршин мол-олон» музикали комедиясидан ариялар ва саҳналар ижро этилди.

Композитор Ф. Амиров билан шоира М. Дилбознинг «Озарбайжон эллари» қўшиғи Озарбайжон диёри тўғрисидаги шеърий қисса бўлди.

Озарбайжон халқининг такрорланмас оҳанглари кўп асрлар оша ўзининг бутун мафтункорлиги билан бизнинг космик давримизгача етиб келди. Ана шу оҳанглардан «Озарбайжон тароналари» ансамбли ёркин концерт гулчамбари тухфа этди. Озарбайжон давлат ашула ва рақс ансамбли, М. Ф. Охундов номли академик опера ва балет театрининг артистлари, «Жанги» халқ фольклор ансамбли, бахшилар ансамбли, Озарбайжоннинг бошқа бадиий коллективлари ва саҳна усталари ижро этган «Ҳосил байрами» вокал хореография сюитаси ана шу гулчамбарнинг энг ёркин гули бўлди.

Гуллаб-яшнаётган Озарбайжон нефть вишкаси ажойиб лўппи пахта билан пайваста бўлиб кетган ўлка санъат усталарининг концерти асримиз байроқдори — Ленин партияси тўғрисидаги қўшиқ билан ниҳоясига етди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ОЗАРБАЙЖОНИ НАМОЙИШ ҚИЛМОҚДА

Озарбайжоннинг моҳир усталари яратган ёркин ранглар Ўзбекистоннинг ранг-баранг санъатига пайваста бўлиб турибди. Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари программасига мувофиқ 4 июнда Тошкентнинг энг яхши залларида бешта кўргазма очилди.

Озарбайжон ССР тасвирий санъати экспозицияси Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазма залида намойиш қилинмоқда. Таниқли мўйқалам усталари ва ижодкор ёшлар кўргазмага тақдим этган ҳар бир асар социалистик гуманизм, партиявийлик ва халқчиллик ғоялари билан суғорилган. Кўргазмадаги кўпгина полотнолар революция, Озарбайжонда Совет ҳокимиятининг қарор топиши мавзуларига, шу республика халқининг меҳнат жасоратига бағишланган. Озарбайжон халқ рассоми Нодир Абдураҳмоновнинг «Инқилоб садоси», «Триптих» картиналари Совет ҳокимияти учун олиб борилган кураш саҳифаларини қайта тиклайди, Озарбайжон ССР Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Али Бердиевнинг полотносида улуғ В. И. Ленининг ва Озарбайжонда биринчи совет ҳукуматининг раҳбари Н. Н. Наримоновнинг сиймолари тасвирланган, СССР халқ рассоми Микаил Абдуллаевнинг «Пахта» картинаси қишлоқ меҳнаткашларининг кундалик ишларига бағишланган. Ушбу виставка Озарбайжоннинг тарихи ва бугунги куни тўғрисида совет халқларининг бузилмас дўстлиги ҳақида тасвирий санъат воситасида қилинган ёркин ва тўлқинлантирувчи ҳикоя бўлди.

Республика «Билимлар уйи»да очилган китоб кўргазмасига Озарбайжон ССРдаги барча олти нашриёт маҳсулоти қўйилган. Экспозицияда марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, Леонид Ильич Брежневнинг, кўпгина қардош совет республикалари адибларининг рус ва озарбайжон тилларида чоп этилган китоблари бор. Асарлари кўргазмага қўйилган Мирза Иброҳимов ва Имрон Қосумовнинг, Сулаймон Рустам ва Расул Ризонинг, озарбайжонлик бошқа кўпгина таниқли ёзувчилар, шоирлар ва драматургларнинг ижодиёти билан Ўзбекистон китобхонлари яхши таниш: уларнинг республикада нашр этилган китоблари ниҳоятда севиб ўқилмоқда. Кўргазмадаги бўлимларнинг бирида Навоий ва Ғафур Ғуломнинг, Абдулла Қодирий ва Ўйғунинг, Шайхзода ва Мирмухсиннинг озарбайжон тилига таржима қилинган асарлари қўйилган.

«Озарбайжонлик усталар Владимир Ильич Ленининг портретини тушириб тўқиган ажойиб гилам, экспозицияга қўйилган бошқа асарлар қардош халқнинг истеъдодини акс эттиради, бу асарлар бизни қойил қолдирди» — Озарбайжон ССР декоратив амалий санъати кўргазмасидаги фикр-мулоҳаза дафтарига ёзилган илк сўзларнинг бири мана шундай. Бу сўзларни Тошкент авиация техникуми ўқитувчилари ва ўқувчиларидан бир гуруппаси ёзган. Ана шу экспозицияда Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг кўргазма залида очилди. Кўргазмада халқ моҳир усталарининг асарлари кўплаб намойиш этилмоқда. Гиламлар, гобеленлар, ўймакорлик асарлари, кулолчилик — хуллас кўргазмага қўйилган асарларнинг жанрлари хилма-хилдир. Анъанавий миллий усуллар ва ҳозирги усталарнинг новаторлик изланишлари экспозицияда бир бутун бўлиб қўшилиб кетди.

Ўзбекистон архитекторлар союзининг залида очилган «Бугунги Совет Озарбайжони» фотовиставкасига бир юз элликдан кўпроқ сурат қўйилган. Озарбайжонлик репортёрларнинг фотокамералари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикада бўлган тўлқинлантирувчи дамларини тасвирлаган. Фотосуратларда — Озарбайжонда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг хроникасини кўрамиз. Қардош республика шаҳар ва қишлоқларининг гўзаллиги, ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлиларининг зарбдор меҳнати — мана шуларнинг ҳаммаси экспозицияда ўз ифодасини топган.

Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида намойиш этилаётган ҳар бир экспонат алоҳида қувонч, ўзр самимийлик бахш этади. Бу ерда Озарбайжон болалари чизган расмлар кўргазмаси жойлашди. «Нефть конларида» картинасини чизган ўн беш ёшли Назилия Габиевани нефтчиларнинг меҳнати тўлқинлантирган. Бокудаги 81- болалар боғчаси тарбиячиларининг «Биз БАМни қурапмиз» номли коллектив асарида тезроқ улғайиб, халқнинг буюк меҳнат зафарларида қатнашиш иштиёқи ўз ифодасини топган. Ойгун Меликова билан Хонимкиз Адалгўзалованинг «Озарбайжонча рақс» ва «Ўзбекча рақс» расмларида халқ ижодиёти мавзуи мужассамлашган. Озод Хусаинов ўзининг «Ҳосил терими» асарида қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида ҳикоя қилиб берган. Болаларнинг ҳар бир расмида ўз мамлакатидан фахрланиш туйғуси сезилиб турибди.

Кўргазмаларни, тантанали оқшом маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Багиров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева, Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. Г. Аҳмедов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).



Суратда: Озарбайжон адабиёти ва санъати кунлари иштирокчилари Парадлар ҳиёбонида дўстлик дарахтлари ўтказмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

АДАБИЁТИМИЗ МУХЛИСИ

Эллигинчи йилларнинг ўрталари эди, чамамда. Кўлимга «Шундай кун келади» асари тушиб қолди. Роман мени ўзига шу қадар ром қилдики, гўё уйқуни, овқатни унутган эдим. Мирза Иброҳимов асарлари билан танишишим шундай бошланган.

Озарбайжон халқ ёзувчиси, улкан адиб, машҳур драматург, ўткир публицист, адабий танқидчи, таниқли давлат ва жамоат арбоби Мирза Иброҳимов қардош озарбайжон совет адабиётининг пойдеворини қўйган, бу адабиётнинг бугунги тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган етакчи санъаткорлардандир.

1911 йилда Жанубий Озарбайжоннинг Сароб вилоятидаги Эва қишлоғида туғилиб, болалиги ғоят қийинчиликда кечган, ота-онасидан эрта етим қолган Мирзанинг адабиётга кириб келиши 30-йилларнинг бошланишига тўғри келди. («Малак», «Заҳро» ҳикоялари). У ижодининг илк босқичида шеърлар, очерклар, ҳикоялар ёзади, кейинроқ асосан ҳикоячилик билан шуғулланади. Қаламини кичик жанрларда қайраб олган ижодкор 30-йилларда кўпроқ драматургияда куч синайди. Унинг «Ҳаёт», «Мадрид», «Муҳаббат» пьесаларининг ҳар бири тематик актуаллиги, юксак бадиий маҳорат билан яратилганлиги туфайли озарбайжон драматургиясида катта воқеа бўлди. «Ҳаёт» пьесаси фақат қишлоқ хўжалигидагина эмас, халқнинг бутун тақдирида бурилиш нуқтаси бўлган коллективлаштириш воқеалари, «Мадрид» драмаси испан халқининг ўз озодлиги учун фашизмга қарши мардонавор курашига бағишланган. «Муҳаббатда эса Улуғ Ватан уруши йилларида халқнинг мамлакат ичкарисидаги қаҳрамонона меҳнати тараннум этилади. «Қишлоқ қизи», «Яхши одам» комедиялари ўткир драматик конфликтларга, тўлақонли реалистик характерларга бойлиги билан диққатга сазовордир. Санъаткор уруш йилларида яратган лирик асарларида («Бу одамлар — менинг қардошларим», «Ватан муҳаббати») халқлар дўстлигини, озарбайжон жангчиларининг қаҳрамонлигини куйлайди.

Мирза Иброҳимов Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий хизматда бўлди, халқнинг аҳволи билан танишди. «Жануб ҳикоялари» туркуми шундай вужудга келди. Ёзувчи бу мавзуни девом эттириб 1948 йилда ўзининг энг машҳур асарларидан бири «Шундай кун келади» романини яратди. Унда Эрон ва Жанубий Озарбайжон меҳнаткашларининг ҳаёти ва кураши ҳаққоний тасвирланган. Демократик кучларнинг халқни зулм ва эрксизликка қарши курашга отлантириши кўрсатилган. Халқ курашининг эпопеяси даражасига кўтарилган мазкур асар озарбайжон адабиётининггина эмас, кўпмиллатли совет адабиётининг дурдона асарлари қаториДан ўрин олди, шу туфайли 1951 йилда Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Мазкур романдан кейин яратилган «Эрк», «Ҳайкал», «Қардошлик», «Чандра исёни» асарларида озарбайжон нефтчилари, қишлоқ меҳнаткашларининг ёркин характерларини чизади. «Буюк таянч» романи эса озарбайжон прозасининг колхоз қишлоғига бағишланган энг яхши асарларидандир. Колхоз қишлоқларининг маданий ва маънавий юксалиши, совет кишиларига хос коллективизм, юксак ғоявийлик, принципиаллик, умумхалқ ишига садоқат туйғуларини кўрсатиш билан бирга тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган қусурларни ҳам рўй-рост очиб ташлайди. Ёзувчининг «Янги давр», «Парвона» каби романлари, шунингдек тарихий мавзудаги қатор қиссалари озарбайжон прозасининг довруғини бутуниттифоқ китобхонлари ўртасида машҳур қилди.

Мирза Иброҳимов адабиёт тарихи, назарияси, адабий танқид масалалари билан мунтазам шуғулланувчи фаол адабиётшунос олим ва танқидчидир. Бу соҳадаги хизматларини эътиборга олиб у 1945 йилдаёқ Озарбайжон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланган эди. Мирза Иброҳимов улкан жамоат арбоби, адабий ҳаракатнинг раҳнамоларидан бири. У Санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи, Озарбайжон ССР маориф халқ комиссари, Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг раиси, республика ёзувчилар союзининг биринчи секретари, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати сифатидаги актив фаолияти билан халқ ҳурмати ва муҳаббатини қозонган. Ёзувчининг айниқса Осиё ва Африка ёзувчилари билан бирдамлик Совет Комитетининг раиси лавозимидаги иши диққатга сазовор.

Улкан озарбайжон адиби ва жамоат арбоби Мирза Иброҳимов ўзбек халқи ва адабиётининг дўстидир. Унинг кўпгина мақолалари, адабиёт ҳақидаги ўйлари ўзбек ёзувчилари, ўзбек адабиетига меҳр билан тўлиб-тошган. Айниқса, адабиётларимизнинг дўстлиги, ўзаро ҳамкорлиги ҳақидаги мулоҳазалари ғоят қадрлидир. У мақолаларидан бирида шундай деб ёзган эди:

«Адабий ҳамкорлигимиз ҳақида сўз кетганда Ғафур Ғулом ва Самад Вурғун поэзияси, улар ҳамкорлигини фахр билан эслаймиз. Ғафур Ғулом шеърияти Озарбайжон халқининг севимли маънавий мулки бўлгани каби ўзбек китобхонлари Самад Вурғунни севиб ўқийдилар. Сулаймон Рустам, Расул Ризо ва бошқа Озарбайжон шоирларининг асарлари ҳам Ўзбекистонда машҳур. Миртемир, Зулфия, Назир Сафаров, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин асарларини Озарбайжон китобхонлари ҳамиша мароқ билан ўқийдилар. Еки Наби Ҳазрий, Наримон Ҳасанзода, Марварид Дилбозий сингари шоирларимиз ўзбек диёрида ҳам ардоқли эканлиги бизни хушнуд этади».

Озарбайжон халқининг ажойиб адиби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Мирза Иброҳимов шу кунларда ўзбек диёрининг азиз меҳмони.

Республикамиз меҳнаткашлари, барча адабиёт аҳли азиз қардошларимизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий парвозлар истайди.

Р. ИНОҒОМОВ,
филология фанлари кандидати.

БИР МАЙДОНДАН—ИККИ ҲОСИЛ

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ



Ўтган йили колхозимиз деҳқонлари давлатга пландаги 5 минг тонна ўрнига 5350 тонна сабзавот маҳсулотлари сотиб, социалистик мажбуриятларини ҳам оширib бажарган эдилар. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида эса улар эл дастурхонига 8500 тонна сабзавот маҳсулотлари тортиқ қилиш мажбуриятини олдилар. Сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришиш кўзда тутилган. Ўтган йили сабзавоткорларимиз ҳосилдорликни 265 центнерга етказган бўлсалар, бу йил 425 центнерлик маррани эгаллашга аҳд қилишган.

Ҳосилдорликни ошириш учун бебаҳо ҳазина ҳисобланган ердан фойдаланишни янада яхшилаш тадбирларини белгиладик. Серқуёш диёримиз шароитида сабзавот экинларидан бир майдонда йилига икки марта ҳосил олиш имкониятлари бор. Шунинг учун эртаки сабзавот экинлари майдонларини кенгайтирдик. Жумладан ўтган йили 43 гектар майдонга эртаки карам экилган бўлса, бу йил 80 гектарга етказдик. Шунингдек, 40 гектар ерга редиска, 60 гектар майдонга помидор, 15 гектар ерга эртаки сабзи ҳам экилди. Ҳозирги пайтда редиска ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаганмиз. Бу майдонлар пешма-пеш шудгор қилиниб, кечки карам ва сабзи экишга тайёрланмоқда. Эртаки карамларни узиш ва давлатга топшириш ҳам ниҳоясига етяпти. Бу ерларга кечки сабзи экишни мўлжаллаганмиз. Эртаки сабзи ўрнига эса кечки карам экилади.

Сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш кўчатга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Аввалги йиллари сабзавот кўчатларининг анчагина қисми расад қилинмасди. Натижада улар нимжон бўлиб қоларди. Бу йил колхозимизда 2 гектар майдонда енгил типдаги теплицанинг қуриб битказилиши кўчат тайёрлашни тубдан яхшилаш имкониятини берди. Теплицада 7 миллион кўчат етиштирдик. Уларнинг ҳаммаси расад қилинганлиги учун дуркун бўлиб етишди. Биз хўжалигимиз эҳтиёжидан ташқари 2 миллион туп кўчатни бошқа колхоз ва совхозларга ҳам сотиб, 60 минг сўм даромад қилдик.

Хўжалигимизда сабзавот экинлари навини яхшилаш чораларини ҳам кўрмоқдамиз. Районимиздаги «Хасково» совхози сабзавоткорларининг илғор тажрибасидан ўрганиб янги серҳосил карам нави кўчатларини тайёрладик. Бу нав карам оғирлиги 3—4 килограммга етади. Бу эса илгари экиб келган «Адлер-1» навли карамдан деярли 4 баравар серҳосилдир. Шунингдек далаларимизга «Волгоград», «Перемога» серҳосил навли помидор экдик.

Сабзавотчиликни ихтисослаштириш соҳасида ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йилдан бошлаб ҳар бир бригадада асосан икки хил сабзавот экинлари етиштириладиган бўлди. Бунинг учун пайкалларимизни яхлитлаштирдик. Аввалларн ўртача 3—5 гектардан бўлган пайкаллар 10—15 гектарлик яхлитлаштирилган далаларга айлантирилди.

Деҳқонларимиз сабзавотдан юқори ҳосил етиштириш учун экинлар парваришини илғор агротехника қоидалари асосида давом эттираётирлар. Ҳозиргача барча майдонлардаги сабзавот экинларига 2—3 мартадан ишлов берилди. Бу ишда механизаторлардан А. Бўриев, Р. Қаюмов, Ғ. Ортиқов, Т. Бердиев, А. Ҳайитбоевлар жонбозлик кўрсатишяпти.

Сабзавоткорларимиз ҳосилдорликни ошириш учун маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланмоқдалар. Ўтган йил куздаёқ янги ҳосил учун далаларга 400—450 центнер ердан 400—450 центнер гўнг солиняпти.

Ҳозирги кунларда сабзавоткорларимизнинг иши тиғиз. Улар қабул пунктларига сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш билан бир қаторда парваришни қизғин давом эттирмоқдалар ҳамда кечки экинлар экишга тайёргарлик кўришяпти. Деҳқонларимиз 12 апрелдан бошлаб савдо тармоқларига редиска, саримсоқ пиёз, эртаки карам жўнатишни бошлаган эдилар. Ҳозиргача давлатга 1000 тоннадан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари сотилди. Дастлабки натижалар колхозчиларимиз эртаки сабзавот экинларидан юқори ҳосил етиштиришликларини кўрсатаяпти. Ҳар гектар майдондан ўртача 250—300 центнердан карам узиб олинмоқда.

Хўжалигимиз аъзолари ердан янада самарали фойдаланиб, деҳқончилик маданиятини ошириб сабзавот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўрадилар.

А. АБУЛҚОСИМОВ,
Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.

ЧОРВАДОРЛАР, МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИНГ!

Область чорвадорлари ўртасидаги социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Беш ойлик якунларга кўра область гўшт, сут ва тухум тайёрлаш бўйича тадбирларда белгиланган ўсиш суръати даражасига етди. Айниқса, ўтган ўн кунликда бу ўсиш юқори бўлди. Агар 21 майгача фақат давлатга гўшт сотиш бўйича ўсиш суръатлари бажарилаётган бўлса, ҳозир область сут ва гўшт тайёрлаш бўйича ҳам тадбирларда белгиланган даражага эришди. Ўн кун (21 майдан 1 июнгача) мобайнида давлатга сут сотишнинг ўсиш суръатлари уч процентга, тухум сотиш бўйича эса 8 процентга кўпайди.

Ўн кун ичида гўшт тайёрлаш 1056 тоннага, сут — 7448 тоннага, тухум — 20.253 минг донага ўсди.

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотишнинг ўсиш суръатлари мусобақадош районлар ўртасида 1980 йил 1 июнгача бўлган маълумотларга кўра қуйидагичадир:

Мусобақадош районлар	Гўшт: 1979 йилга нисбатан ўсиш суръати (процент)	Гўшт: эгаллаган ўрни	Сут: 1979 йилга нисбатан ўсиш суръати (процент)	Сут: эгаллаган ўрни	Тухум: 1979 йилга нисбатан ўсиш суръати (процент)	Тухум: эгаллаган ўрни
Оққўрғон	120,9	9	112,0	11	131,2	4
Бўка	122,9	5	117,0	7	121,6	11
Оҳангарон	115,0	12	120,6	2	126,7	6
Тошкент	122,0	6	115,0	8	121,0	13
Бекобод	121,1	8	113,5	9	122,2	9
Пискент	121,2	7	117,2	6	131,4	3
Чиноз	120,0	10	109,5	12	123,2	7
Ғалаба	145,0	1	112,3	10	121,6	10
Коммунистик	120,0	11	107,0	14	121,1	12
Калинин	135,8	2	122,9	1	122,3	8
Паркент	124,6	4	107,5	15	130,1	5
Оржоникидзе	130,5	3	120,0	3	119,1	14
Бўстонлиқ	111,4	14	108,6	13	140,6	1
Ўрта Чирчиқ	112,9	13	118,7	5	119,1	15
Янгийўл	100,4	15	119,4	4	136,2	2

Гўшт тайёрлашни кўпайтириш бўйича социалистик мусобақада ҳамон Ғалаба районн чорвадорлари пешқадамлик қилаётирлар. Улар ўн кун ичида 2 процент ўсишга эришдилар. Бу ғалабаликларга тадбирларда белгиланган маррага чиқиб олиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатини 145 процентга етказиш имконини берди. Уларнинг мусобақадошлари — Коммунистик район чорвадорлари 10 процентга ўсишни таъминладилар. Улар ҳам белгиланган даражага етиб, ўсиш суръатини 120 процентга етказдилар.

Калинин район фермалари ходимлари қувонарли натижаларга эришаяптилар. Улар гўшт тайёрлаш бўйича тадбирларда белгиланган ўсиш суръатидан ҳам 15 процентга ўзиб кетишди. Калининликлар районлар ўртасидаги мусобақада иккинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Паркентликлар мусобақа пешқадамларига тенглашдилар. Ўн кун ичида улар 11-ўриндан 4-ўринга кўтарилишди. Бу соҳада Оржоникидзе райони чорвадорлари ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар ўсиш суръатини 16 процентга кўпайтириб, учинчи ўринни олишди.

Мусобақада Бўстонлиқ райони ҳали ҳам сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Районда гўшт тайёрлаш бўйича белгиланган ўсиш суръатларига эришилмаяпти. Ўн кунликда Оҳангарон райони 2-ўриндан 12-ўринга тушиб қолди.

Ўрта Чирчиқ ва Пискент районлари ўн кунликда давлатга гўшт сотиш суръатларини пасайтириб юбордилар. Янгийўл районида эса бу соҳада ҳали ҳам деярли ўсиш га эришилмаяпти.

Сут тайёрлашни кўпайтириш бўйича мусобақада Калинин райони чорвадорлари биринчи ўринга чиқиб олишди. Ўн кун ичида районда сут тайёрлаш 5,7 процентга ўсди. Натижада ўсиш суръати топшириқдаги 115,2 ўринга 122,9 процентни ташкил этди.

Оҳангарон, Оржоникидзе, Янгийўл районлари сут тайёрлаш бўйича кўрсаткичларини яхшилашди. Улар тадбирларда белгиланган марраларга чиқиб олишди.

Аммо, Бўстонлиқ, Бўка, Пискент ва Бекобод районлари давлатга сут сотишни ўтган ўн кунликка нисбатан камайтириб юбордилар. Коммунистик, Паркент ва Чиноз районларида эса ҳали ҳам бу соҳада қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Ўн кунликда областнинг 15 районидан 9 таси тухум тайёрлаш бўйича кўрсаткичларини яхшиладн. Айниқса, Бўстонлиқ, Янгийўл, Пискент, Оққўрғон, Паркент районлари яхши натижаларга эришишди.

Ҳурмат тахтаси

ҲАМИША ЖОНКУЯР ВА МЕҲРИБОН

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

ҒАЛАБА РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Заря коммунизма» колхози (раиси Б. А. Хан, партия ташкилотининг секретари К. Першеев, касаба союз ташкилотининг раиси П. Хан, пиллачилик агротехниги Ю. Муродов ўртоқлар).

Волков номли совхоз (директори З. Назиров, партия ташкилотининг секретари Т. Қуролбоев, ишчилар комитетининг раиси Т. Исмоилов, пиллачилик агротехниги Г. Жиронбоев ўртоқлар).

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози (директори С. Зокиров, партия ташкилотининг секретари А. Хожиқулов, ишчилар комитетининг раиси А. Алиев, пиллачилик агротехниги С. Айвазова ўртоқлар).

Киров номли уқув хўжалиги (директори Ш. Хадиралиев, партия ташкилотининг секретари М. Муртазоев, ишчилар комитетининг раиси Р. Шерматов, пиллачилик агрономи И. Иброҳимов ўртоқлар).

ЧИНОЗ РАЙОНИ БЎЙИЧА

К. Маркс номли колхоз (раиси М. Абдуллаев, партия ташкилотининг секретари Қ. Алимова, касаба союз ташкилотининг раиси К. Зуфаров, пиллачилик агротехниги Р. Файзулин ўртоқлар).

«Октябрь 40 йиллиги» колхози (раиси П. Ф. Саульскин, партия ташкилотининг секретари Х. Акромов, касаба союз ташкилотининг раиси Е. Силелов, пиллачилик агротехниги Н. Абдураҳмонов ўртоқлар).

Муҳаббий ва шогирд! Бу сўзлар замирида катта социал маъно мужассам. Ахир, ёш кадрнинг касб-корга меҳри, ўз мутахассислигига, коллективига, ишлаб турган корхона ёки муассасасига бўлган муҳаббати ифодаси эмасми!

Зотан, устоз ва шогирд ҳамкорлигидан муаббий ҳам, ёшлар ҳам маънавий озуқа олишади, коммунистик меҳнатга нисбатан ҳурмат туйғуси таркиб топади. Ёшларнинг билим, куч ва қобилиятларини ана шу эзгу мақсад сари етакловчи муаббийлик ҳаракатининг таъсир ўтказувчи кучга айланиб қолди.

Замонамизга хос бу ажойиб хусусият шифокорларимиз орасида ҳам кенг қарор топди. Даволаш ишларини юксак талаблар даражасида намунали ташкил этиш шифокордан бой тажриба, пухта билим талаб қилади. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Шогирд камолоти устоз меҳридан деганларидек, моҳир шифокорнинг орттирган тажрибаси, маҳорати, панд-насиҳати шогирдда касбга меҳр уйғотади, уни олға чорлайди.

Қадр амри билан иш тутаётган бундай олиҳиммат муаббийлар областимиз медицина муассасаларида кўплаб учрайди. Ҳозир 900 дан ортиқ тажрибали медицина ходими ёш врачлар билан яқиндан иш олиб бормоқда. Улар бой тажриба ва билимлари билан ўртоқлашмоқдалар. Шогирдларида коммунистик онглилик ва аҳлоқни, инсоний бурчни шакллантириш ҳамда қарор топтиришдек муҳим ишга ҳам муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бугунги кунда биз ўз муаббийлик бурчини аъло даражада адо этиб келаётган қадби қуёш шифокорларимиз номини фахр билан тилга оламиз. Янгийўл марказий район касалхонасининг терапевтика бўлими мудири З. Г. Долженко, Оржоникидзе марказий район касалхонаси поликлиника бўлимининг мудири Л. С. Белялова, Тошкент район туғруқхонасининг бош врачи М. Н. Муҳиддинова, Оҳангарон марказий район касалхонаси хирургия бўлимининг медицина ҳамшираси Ҳ. Муҳиддинова, Чирчиқ шаҳар касалхонасининг хирурги Н. П. Долгарева, чирчиқлик педиатор Т. Н. Семикина, область офталмология касалхонасининг бош врачи Н. И. Гарин, область дерматовенерология диспансерининг бош врачи Б. И. Ҳошимов ва бошқалар муаббийлик ҳаракатининг олдинги сафида боришяпти. Чирчиқдаги туғруқхона болалар бўлимининг медицина ҳамшираси Т. П. Сирожева эса республикамизда биринчилардан бўлиб «Ёшларнинг муаббийси» деган фахрли ном эгаси бўлди.

Даволаш-профилактика муассасаларида муаббийларнинг ёшлар билан яқиндан иш олиб бориши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Шифохоналарда муаббийлар советлари ишлаб турибди. Улар конкрет иш планига ва суҳбатлар тематикасига эга.

«Энг яхши касб эгаси» деган конкурслар тез-тез ўтказиб турилади. «Ёш медиклар сафига» қабул қилиш тантанага айланиб қолди. Шогирдларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳам яхши натижалар бермоқда. Маданий-оқартув муассасаларига коллектив бўлиб бориш, турли мунозаралар ўтказиш анъанага айланган.

Устозлик бурчини сидқидилдан адо этаётган меҳрибон ва жонкуяр шифокорлардан кўпгина кишига «Ёшлар муаббийси» дипломи топширилди. Чирчиқдаги шаҳар туғруқхонасида анча йил ишлаб, катта ҳаёт тажрибасини ортирган А. П. Булгакова, Р. Н. Воробьева, А. М. Цепперлар ёшлар ўртасида ҳурмат-иззат қозонишган. Шифохонага янги келган ёш мутахассислар дастлаб ана шу муаббийлар меҳрини қозонадилар.

Врач акушер-гинеколог Ленура Измайлова ҳам шундай бахтга муяссар бўлди. У бундан икки йил муқаддам Андижон медицина институтини битириб, мазкур туғруқхонага йўлланма олган эди. У шифохонага тортинибгина кириб келди. Аммо, илиқ табассум, меҳр тўла кўзлар унда ўз касбига бўлган муҳаббатни ошириб юборди. Юқорида номлари тилга олинган шифокорлар унга сидқидилдик билан муаббийлик қилдилар. Ана шу ғамхўрликни, олиҳиммат-ни Л. Измайлова сира унутмайди. У келгусида устозлари изидан бориб, муаббийлик ҳаракатига қўшилишга аҳд қилган. Коллективнинг фахри бўлиб қолган бу моҳир акушер-гинекологнинг фахрли ишни муваффақиятли адо этишига унинг орттирган тажрибаси, хирурглик маҳорати ҳам далолат бериб турибди.

Умуман, Чирчиқда муаббийлик ҳаракати кенг қулоч ёзган. Деярли барча даволаш муассасаларида муаббийлар советлари ташкил этилган. Ёшларнинг меҳнат тарбияси билан боғлиқ ишлар бу советларнинг диққат-марказида турибди.

Шу ўринда чирчиқликларнинг яна бир ибратли ташаббусларини эслатиб ўтмоқчимиз. Маълумки, шаҳар аҳолиси, мана тўрт йилдирки, коммунистик меҳнат ва турмуш шаҳри деган ном учун қизғин кураш олиб бормоқда. Бу ажойиб ҳаракатга медицина ходимлари ҳам якдиллик билан қўшилдилар. «Аъло меҳнатимиз — инсон саломатлигига хизмат қилсин» деган шиор саломатлик посбонларининг кундалик ишига айланиб қолди.

Шаҳар аҳолиси орасида санитария-гигиена тарбиясини олиб бориш, соғлом ҳаёт тарзини кишилар турмушига сингдириш каттаю кичик, ҳар бир шифокорнинг жонажон бурчига айланди.

Ҳозир бу ерда саломатлик халқ университетлари ва илғор тажриба мактаблари ишлаб турибди. Шаҳар корхоналарида, ташкилотларида медицина мавзуларида лекция ва суҳбатлар ташкил этиш планги равишда олиб борилмоқда. Шунингдек, саломатликнинг муҳим масалаларига бағишланган семинар ва илмий-амалий конференциялар кишиларда катта қизиқиш уйғотаётир.

Меҳнат эстафетаси, ўқиш, маданият ва спорт бўйича мусобақалар ташкил этишга киришилди. Мусобақанинг бу янги формаси коллективлар орасида ижодий активликни, ташаббусни, меҳнатга коммунистик муносабатни қарор топтиришга кенг йўл очди.

Бу каби ибратли ишларда ҳам меҳрибон муаббийларнинг ёрдамлари, ўгит-насиҳатлари яққол сезилиб турибди. Қисқаси, устозлар ёшларнинг яшаши, ишлаши ва камолотида чуқур из қолдирмоқдалар.


Саломатлик посбонлари ўртасидаги муаббийлик ҳаракатини атайин Чирчиқ шаҳри мисолида кўрсатиб ўтдик. Бу, бежиз эмас, албатта. Бу ерда қилинаётган ишлар, тўпланган тажрибалар жойларда муаббийлик ҳаракатини ёйиш учун ҳар томонлама ибратлидир.

Шунинг учун ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари ёшлар муаббийларининг республика слётини худди шу шаҳарда ўтказишга қарор қилдилар. Бундай муҳим тадбир республика миқёсида биринчи бор ташкил этилаётир.

Республика слётида шифокор устоз ва шогирдларнинг яқин ҳамкорлиги билан боғлиқ кўпгина масалалар муҳокама қилинади. Энг яхши муаббийлар фаолияти оммалаштирилади. Буларнинг ҳаммаси бебаҳо бойлик ҳисобланган инсон саломатлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Б. ТОШБЕКОВ,
Область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

ЭРТАГА ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА ШИФОКОР ЁШЛАР МУАББИЙЛАРИНИНГ 1-РЕСПУБЛИКА СЛЕТИ ОЧИЛАДИ



В. Портнов фотоси.

Бўстонлиқ районидаги «Қизилтту» колхозининг 6-бригадасн коллективи якунловчи йилда давлатга 680 тонна сабзавот маҳсулотларн сотиш мажбуриятини олган. Деҳқонлар ҳозирги кунларда сабзавот экинлари парваришини илғор агротехника қоидаларн асосида олиб бораётирлар. Суратда: бригаданинг илғор механизатори коммунист Ислом Айтбоев.

ИЛҒОРЛАР ДАЛАСИДА

ҲОЗИР бу далаларни айланган киши қулф уриб яшнаётган ғўза ниҳолларини кўриб, баҳри-дили очилади. Улар текис шоналаган. Ғўзалар деҳқон меҳрига қониб, кундан-кун қуёшга бўй чўзяпти. Эгатларда жимирлаб об-ҳаёт оқади. Кетмонларини елкасига ташлаб олган сувчилар куну-тун пахтазор қўйнида. Далаларда қатор ораларига ишлов бераётган тракторларнинг овози эшитилиб турибди.

Бу Бекобод районидаги Ойбек номли совхознинг қўш Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган механизатор Валламн Тўхтабоев бошлиқ бригада далаларидир. Коллектив аъзолари бир неча йиллардан бери 50—60 центнерчилар ҳаракатининг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Улар ўтган йили ҳар гектар пахта майдонидан 51 центнердан ҳосил йиғиштириб олган эдилар. Бу йилги марралари—60 центнер!

Илғор бригада пахтакорлари аҳдларига яраша меҳнат қилаётирлар. Бригада пахта далаларига «Сифат белгиси» берилганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Хўжаликнинг ў. Қаршибоев, М. Шодиев, С. Сангиновлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши кучайтириб юборилган. Мўл ҳосил етиштириш учун курашда хўжалик дала гвардиячилари Н. Холмирзаев, Т. Ҳамроев, А. Боймирзаев, сувчилар А. Валиев, О. Қаюмов, Х. Эргашев ва бошқалар, айниқса, жонбозлик кўрсатишмоқда.

Совхоз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 2310 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта етиштириш учун курашяптилар.

Р. ЭСОНОВ.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ТЕҲРОНДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ТЕҲРОН, 3 июнь (ТАСС). АҚШнинг Эронга қарши агрессив ҳаракатларини тескпирувчи халқаро конференция иштирокчиларига тақдим этилган ҳужжатлар Қўшма Штатларнинг Эронга қарши кўпорувчилик ишларини, Вашингтоннинг Эрон революциясини бўғишга интилганлигини ҳеч сўзсиз исбот этади. Конференцияда, жумладан генерал Р. Хайзер 1979 йилнинг бошларида АҚШнинг Теҳрондаги элчихонаси орқали ўша вақтда НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучларининг олий бош қўмондони бўлган А. Хейгга юборган «тамомила махфий» мактубининг тексти эълон қилинди. Маълумки, генерал Р. Хайзер 1979 йил январь ойида бутун мамлакатда халқ оммавий ғалаёнларн давом этаётган, шоҳ режими эса ўзининг сўнгги кунларини кечираётган бир пайтда гўё «тинчиб яқин бурчи» билан Эронга келган эди.

Бу ҳужжат АҚШнинг Европадаги қуролли кучлари қўмондони ўринбосари Хайзер ўша вақтда шоҳ мамлакатдан кетиб қолгандан кейин АҚШнинг мавқеини сақлаб қолиш учун ҳарбий тўнтариш уюштириш мақсадида Теҳронга келганлигининг яққол исботидир.

Шу ҳужжатда Хайзер Эронга нефть конлари ишчилари, банклар хизматчилари ва таможня ходимларининг давом этиб турган бастакорлигини тугатиш учун қуролли кучлардан фойдаланишни ва қандайдир «Вариант-2-Б» кўлланишни таклиф этган. Мана шу махфий мактубда бундай деб ёзилган: «шу проблема хусусида мен амалга ошираётган тадбирлар сиз таклиф қилган 2-Б вариантига яқинлашган мувофиқдир, аммо бу иш Бахтиёр раҳбарлигида (Эроннинг шоҳ тайинлаган бош министри) амалга оширилиши керак. Мен уни шу чораларни кўришга кўндираман. Унинг бу ишни қилишга тайёр эканлиги кўриниб турибди, аммо мен ишни тезлаштиришни истар эдим. Агарда бу вариант муваффақиятсиз чиқса, у ҳолда мен унга тўғридан-тўғри ҳарбий тўнтариш қилишни тавсия этаман. Бизшу режалар устида жуда шошилинч равишда кечаю-кундуз иш олиб бораяпмиз».

Хайзер Эрон армиясига тўнтаришни амалга ошириш учун «етарли кенг имкониятлар» мавжуд эканлигини, оятилло Хумайни Эронга қайтиб келганидан кейин уни ўлдиришни уюштириш режалари муҳокама қилинаётганлигини Хейгга етказади. Хайзернинг фикрича, Хумайнининг ўлдирилишидан «Эронда кенг миқёсда гражданлар урушини бошлаб юбориш учун фойдаланиш мумкин бўлар эди».

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● КОБУЛ. Афғонистоннинг кўпгина вилоятларида Афғонистон Демократик Республикаси раҳбарлигининг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш юзасидан оммавий митинглар бўлиб ўтмоқда. Деҳқонлар, ишчилар, зиёлилар ва руҳонийлар вакиллари революция душманларининг мамлакат мустақиллиги, территориал бутунлиги ва суверенитетига қарши қилдикорларини кескин қораламоқдалар. Митингларда қабул қилинган резолюцияларда афғон халқи янги жамият қуриш йўлидан боришга қатъий қарор берганлиги таъкидланмоқда.

● ЛОНДОН. Буюк Британия кўмир қазиб чиқариш саноати жиддий танглikни бошдан кечирмоқда. Корхона эгалари тармоқ эҳтиёжлари учун давлат маблағлари анча қисқартирилганлиги сабабли Жанубий Уэльс, Шотландия ва Йоркширдаги 50 дан кўпроқ шахтани ёпишга қарор қилдилар. Натижада 100 мингдан кўпроқ кончи ишдан маҳрум бўлади.

● СТОКГОЛЬМ. Швед докерларидан 2500 дан кўпроқ киши бошлаган забастовка уч ҳафтадан буён давом этаётганлиги натижасида Швециядаги кўпчилик портларда иш издан чиқди. Забастовкачилар касаба союз ҳуқуқларига риоя қилинишини, иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

● ТОКИО. Сеулдан одинган хабарларга кўра, Жанубий Кореядаги ҳарбий хунта бошлиғи генерал Чон Ду Хван «муваққат» президент Цой Кю Хага Жанубий Корея марказий разведка бошқармаси директорлиги лавозимидан истеъфо берганлиги тўғрисидаги аризани топширган. Истеъфо қабул қилинган. Матбуотнинг таъкидлашича, Чоннинг бу ишдан кетиши Сеул сиёсий кучлари саҳнасидаги қўпгирочқларнинг жойланишида бирор-бир ўзгариш юз беради деган маънони билдирмайди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг асосий боғдорчилик районларидан бири — Ҳимачал-Прадеш штатида кучли қурғоқчилик натижасида пишиб етилган меваларнинг каттагина қисми нобуд бўлган. Бу ерда эълон қилинган маълумотларга кўра, табиий офат келтирган зарар ҳозирдаёқ 600 миллион рупийдан ортиб кетган. Қурғоқчилик мамлакатнинг марказий ва ғарбий қисмидаги бир қанча штатларига ҳам ёйилган.

(ТАСС).

ПЕКИННИНГ ВЬЕТНАМГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ, 3 июнь. (ТАСС). Уруш давомида Хитой экспансиячилари ва гегемончилари қилган жиноятларни текширувчи комиссиянинг бу ерда эълон қилинган ахборотида май ойи давомида Хитой қўшинларн Вьетнам Социалистик Республикасининг чегараларини 246 марта бузганликлари айтиб ўтилган.

Хатуен ва Хоанглиенпшон вилоятларида айниқса катта иғвогарликлар қилинди. Хитой қўшинларининг бўлинмалари бу ерда чегарадан ўтиб ВСР территориясига 2 километр масофагача бостириб кирдилар. Хитой самолётлари Вьетнамнинг ҳаво чегарасини, ҳарбий кемаларида ВСР территориал сувлари чегарасини бир неча марта бузиб ўтдилар. Улар Вьетнамнинг балиқ овлаш кемаларига таҳдид қилдилар.

Мана шу иғвогарликлар учун бутун масъулият Хитой томони зиммасидадир, деб таъкидланади комиссиянинг ахборотида.

БУГУН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

ТАБИАТ САҲОВАТИ

«ТАБИАТНИ унумсиз, ҳаётсиз, инсонга зарар етказадиган бўшлиққа айлантириб қўйиш мумкин, инсоният тарихида бундай нуқсонлар кўп учрайди. Бироқ табиатнинг саҳоватини ошириш, табиатнинг ҳаёт кучларини тўлароқ намоён этишга ёрдам бериш мумкин ва лозим».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

БУГУНГИ кунда инсон ва муҳит масаласи атом энергиясидан фойдаланиш, космик фазони ўзлаштиришдек муҳим аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам СССР Конституциясига «СССР гражданлари табиатни муҳофаза қилишлари, унинг бойликларини кўриқлашлари шарт» деб ёзиб қўйилган.

Мамлакатимизда табиатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда. Саноат корхоналарида ва транспорт хўжаликларида зарарли чиқиндиларнинг атмосферага тарқалишининг олдини олиш, ерларнинг сув ва шамолдан емирилишини муҳофаза қилиш, қайта шўрланмаслигини таъминлаш мақсадида жуда катта маблағлар сарф қилинаётир. Агар белгиланган чоралар изчил амалга оширилмаса, ишлаб чиқариш чиқиндиларининг утилизация масаласини ижобий ҳал қилиб бўлмайди, сув, атмосфера ва ерларнинг ифлосланиш хавфи туғилади. Табиийки, бу ҳол инсон умрига, унинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳавомизнинг мусаффо, сувимизнинг тиниқ, тупроғимизнинг унумдор бўлиши учун қурашиш кун тартибидаги асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан табиатни муҳофаза қилиш республика жамиятининг Тошкент область бўлими ходимлари ҳам бир қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Маълумки, Тошкент области республикамизнинг энг йирик индустриал марказларидан биридир. Унинг шаҳар ва районларида юзга яқин саноат корхоналари ишлаб турибди. Ташқи муҳитни соғломлаштириш бўйича, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, ибратлидир. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларини сув ва ҳаво тозалагичлари ҳамда фильтрлар билан тўла жиҳозланган. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида эса чанг тозалагич ускуналарини қуриш ва реконструкция қилиш учун планда белгиланган 200 минг сўм ўрнига 203,5 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларида сувни тозаловчи иншоотлар қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Қатор автохўжаликларда автомобиль двигателларининг техник ҳолатини диагностика қилиш постлари ташкил қилинган. Бу эса ташқи муҳитни двигатель газларидан ифлосланишининг олдини олиш имкониятини беради.

Йилдан йилга сув ҳавзаларига ифлосланган сувларни чиқараётган ташкилотлар сони камайиб бормоқда. Хавони совутиш учун қўлланилган сувдан қайта фойдаланиш системалари кенгайди. Кейинги етти йил ичида область бўйича сувларни қайта ишлатиш беш марта кўпайди. Ёки саноат корхоналарида ишлатилаётган сувнинг қарийб ярми қайта фойдаланиляпти.

Корхоналарда атроф-муҳитнинг софлигини таъминлаш соҳасида техник жамоат комитетлари ташкил қилинди. Бугунги кунга келиб бундай комитетлар сони 110 тадан ошиб кетди.

Шаҳар ва посёлкаларни кенгайтириш, уларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳолининг санитария маданиятини юксалтириш ишларига ҳам жиддий эътибор бериляпти. Сўнгги йилларда инсон ва атроф-муҳит масаласи шаҳар ва район ижроия комитетларининг мажлисларида тез-тез муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. Кейинги тўрт йилнинг ўзида шу масала 135 марта кўриб чиқилди.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўриқлаш муҳим аҳамият касб этади. Областимиз шароитида учрайдиган ва турли сабабларга кўра йўқолиб кетиш хавфи бўлган 26 хил ўсимлик, 27 хил ҳайвон ва 18 хил қуш «Қизил китоб»га киритилди.

Ҳақиқатан ҳам областимиз ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг нодир бойликлари беҳисобдир. Чорвоқ сув омбори, Тошкент денгизи, Сирдарё, Чирчиқ, Ангрен дарёларида ҳайвонларнинг 82 турини, қушларнинг 335 турини, қўплаб хилдаги балиқларни учратиш мумкин. Уларнинг нормал ривожланишлари ва кўпайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кўриқхоналарда табиат бойликларининг жуда бой коллекцияси жамланган.

Табиат сирларини янада чуқурроқ ўрганиш, уни муҳофаза қилиш мақсадида бўлимимиз қошида тармоқ секциялар ташкил этганмиз. Уларнинг ҳар бирига шу соҳанинг етук мутахассис олимлари бошчилик қилишади.

Олиб борилаётган оммавий-ташкилий ишларимиз ҳам диққатга сазовордир. Районларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Кинофильмлар намойиш қилинмоқда. Кўргазмалар ташкил қилиняпти. Куни кеча ана шу тадбирларнинг бири бўлиб ўтди. «Чимён» дам олиш зонасида «Она табиатни биласизми?» мавзуида викторина уюштирилди. Унда область ташкилотларининг эллиқдан ортиқ командаси иштирок этди.

Табиатни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчилик кенг жалб қилинган. Ҳозир область бўлимимизнинг 499 мингдан ортиқ аъзоси бор. Ёки областда яшовчи ҳар тўрт кишининг бири жамиятимиз аъзосидир. Мактабларда яшил қўриқчилар группаси, районлардаги ёш натуралистлар станциялари ишлаб турибди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳали амалга оширилиши керак бўлган ишлар жуда кўп.

Т. ТУРСУНОВ,
табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти Тошкент область бўлими раисининг ўринбосари.

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР

РЕПОРТАЖ

Бу масканнинг шонли тарихи ва ажойиб анъаналари бор. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки йилиёқ Маҳамад Эшонхон ҳовлисида очилган Амирий номидаги 33-мактаб ҳозирги Чақар, Камолон, Катта бог, Маяковский маҳаллаларидаги йўқсилларнинг фарзандларини ўз бағрига олди. У ҳар йили 200—300 кишига ўқиш-ёзишни ўргатиб, саводсиз ўлкамизга зиё тарқата бошлади...

Бугунги кунда мактабда 1200 нафар ўғил-қиз таълим олаяпти. 35 та ёруғ синф хоналар, ошхона ва буфет, «Маълиш» кинотеатри ёшлар ихтиёрида. Турли хил тўгаракларда ишлаб турибди. Тошкент шаҳар ижроия комитети яқинда бу ерда янги спорт комплекси қуриш ҳақида қарор чиқарди.

Мана шу муаззам илм даргоҳи ўтган дам олиш куни ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлиб кетди. Уша куни у ўзини 30 йил аввал битириб кетган фарзандларини бағрига чорлаганди. 1940 йилда қалблари ҳаяжонга тўлиб, мактаб остонасига қадам қўйган ва 1950 йилда шу ердан мустақил ҳаётга йўлланма олган ёшлар ҳозир яна унинг меҳмони.

Учрашув қатнашчиларининг қалб сўзларига бир қулоқ тутинг-а:

Т. Саидвалиев — Ўттиз йилдан сўнг дўстларим ва устозларим билан қайтадан учрашаяпмиз. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Ўқитувчиларимга бўлган ҳавас мени Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтига етаклади. Ҳозир устозларимнинг шарафли касбини ардоқлаб, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга ҳиссамни қўшаяпман.

Ҳ. Муҳамедов — В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенида бош инженерман. Партия ва ҳукуматимиз хизматларимни «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирлаган. Буларнинг ҳаммаси учун мактабимиз, қадрдон ўқитувчиларим олдида бурчлиман!

С. Қодиров — Уқиш, изланиш соҳасидаги дастлабки қадамларим шу ердан бошланган. Ҳозиргача 30 дан ортиқ илмий мақолаларим, иккита монографиям эълон қилинди. Бир неча дарсликлар яратишда қатнашдим. Ҳамиша мактабим, унинг ҳаётидаги янгилик ва ютуқлар билан фахрланаман!

...Юзларидан самимият ёғилиб турган аёл ичкарига қадам қўйиши билан шогирдлар қуршовида қолди. А. К. Измайлова узоқ йиллар шу даргоҳда дарс берган. Улуғ Ленин тилини чин ихлос билан тарғиб қилганлиги, маориф соҳасидаги хизматлари учун унга «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган фахрий унвон берилиб, бир қанча медаллар билан тақдирланган. Тавозе билан ичкарига бошлаётган йигитларга қараб, Ася Каримовна кўзларига ишонмайди. Наҳотки, бир пайтлар унинг ҳар бир сўзларини илғаб олиш учун парталарда жовдираб ўтирган болалар шулар бўлса! Наҳотки, етуклик гувоҳномасини тутқазиб, катта ҳаёт йўлига кузатганимиздан буён 30 йил ўтган бўлса!

Йўл ва йўлакларда чўғдек қизил галстукли пионерлар меҳмонлар истиқболига пешвоз чиқиб, кўкракларига махсус эмблема тақиб қўйишаётир. Унда «45-мактаб. 1950—1980 йил» сўзлари ёзилган.

Тошкент политехника институти доценти, техника фанлари кандидати А. Муҳидов, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё филиали президентининг ўринбосари А. Асроров, «Ташигрушка» фабрикасининг директори Н. Шарифхонов, шифокор, соғлиқни сақлаш аълочиси Х. Обидов ва бошқалар устоз ўқитувчилар Қ. Маҳмудов, Қ. Сатторов, Т. Юсупов, З. Ёқубов ва Ғ. Рашидовлар билан қизғин суҳбатлашишаётир. Суҳбат даврасида СССР халқ артисти, Ҳамза номли республика Давлат мукофотининг лауреати Бернора Қориева, республикада хизмат кўрсатган артист Малоҳат Дадабоева, шоир Маннон Ғаниев ва бошқалар ҳам бор.

Соат ўнда болалар чолғу ансамблининг иштирокчилари жўрлигида пионер маршини эслатувчи горн овози янгради. Мактаб қўнғироғи кишини тўлқинлантириб, узоқ жаранглагач, йиғилганлар мажлислар залига таклиф этилади.

Рўпарадаги И. Охунбобоев бюсти гулларга бурканган. Унг томондаги «Мактабимиз ўтмишда ва ҳозир», «Булар — бизнинг фахримиз» деб номланган фотостендлар босиб ўтилган йўл, етишиб чиққан таниқли партия ва совет ходимлари, олимлар ва шифокорлар ҳақида ҳикоя қилади. Мактаб деворий газетаси «Зафар»нинг махсус сонидан табрик ва қутловлар ўрин олган.

Учрашувга бағишланган йиғилишни мактаб директори Назира Аҳмедова очди.

«Устозлар, партия ва совет ходимлари, жамоатчилик олдида 1950-йил битирувчилари номидан ҳисобот» учун сўз 1-шаҳар касалхонасининг бош врачи, медицина фанлари кандидати Қ. Ризаева берилди. Қулаҳмад ака юбилярларнинг синфкоми, ўқувчилик кезларида мактаб комсомол ташкилотининг секретари бўлган. Тошкент Давлат медицина институтини тугаллаб, саломатлик муҳофазасида бўлди, Тошкент область комсомол комитетининг секретари вазифасида ишлади. Партия ва ҳукуматимиз уни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаган. Ҳозир у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, Тошкент шаҳар советининг депутати ҳамдир.

— Азиз устозларимиз, қадрдон дўстларим, ҳурматли меҳмонлар!— деди у. Бугун ҳаммамизнинг қалбимиз ниҳоятда илиқ ва сарҳуш туйғулар билан лиммо-лим. Айниқса биз, учун бу фурсат ниҳоятда қимматли. 30 йил! Бу баркамол йигит ёши. Академик шоир Ғ. Ғулом айтганидек, бу ёшда жаҳон сирлари очилади. Синфдош дўстларим номидан она-Ватанимиз, жонажон партиямиз, халқимиз бахт-саодати йўлида ҳалол хизмат қилаётганлигимизни билдиришга рухсат берғайсизлар. «Химгеолнеруд» экспедициясининг бошлиғи С. Ғафуржонов, «УзНИПИреставрация» бўлим бошлиғи И. Усмонхўжаев, В. И. Ленин номли Тошкент метрополитени бош инженери, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Ҳ. Муҳамедов, Октябрь район архитектори Т. Икромов — ҳамма синфдошлар ўз меҳнат постидадир.

Тошкент шаҳар ижроия комитети маориф бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев мактабнинг Ғ. Ғуломов, З. Ёқубов, М. Иброҳимов, Т. Юсупов каби ўқитувчиларига фахрий ёрлиқлар топширди. Бир гуруҳ ўқитувчилар Октябрь район халқ маорифи бўлимининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Йиғилганларнинг қарсаклари остида ветеранлардан А. К. Измайлова ва Ҳ. Неъматжоновалар республика маориф министрлигининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлиги, мактаб ўқитувчиси Шарофат Олчинбоеванга эса Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси унвони берилганлиги маълум қилинди. Устозларга юбилей комиссияси томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Саҳнага пионер қизлар чиқиб келишади. Улар илм-фан чўққиларини эгаллаётган акаларига бағишланган, «Ассалом, давримиз алломалари» номли бадиий композицияни намойиш этдилар. Кўплаб жамоатчилик вакиллари, фан ва маданият ходимларининг табрик сўзлари янгради.

Калинин районидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасининг директори З. Хўжаев пировардида собиқ синфдошлари номидан кечани уюштиришда кўмаклашган партия, совет, жамоат ташкилотлари, мактаб коллективига миннатдорчилик изҳор қилди.

Учрашув файзли ўтди. Район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари ва таниқли санъаткорлар ижро этган куй ва қўшиқлар дилларни қувнатиб кўнгилларга завқ бағишлади. Собиқ синфдошлар ўша куни пойтахтимизнинг В. И. Ленин номли майдонидаги доҳий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. В. И. Ленин номли Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлишди.

Тошкентдаги И. Охунбобоев номли 45-ўрта мактабда бўлиб ўтган устозларни эъзозлаш ва синфдошлар учрашувига бағишланган кеча кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитети фан ва олий ўқув юртлари бўлимининг мудири Н. Ф. Иброҳимов иштирок этди.

А. БОБОБЕКОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

БАХТИЁР ЁШЛИК ТАРОНАЛАРИ



Тошкентнинг бугунги жамолига қараб тўймайсан, киши. Бу ерда қад кўтараётган янги-янги маъмурий ва турар-жой бинолари шаҳар ҳуснига ҳуш қўшаётир. Суратда: Абу Райҳон Беруний номидаги кўча ён атрофидаги кўп қаватли турар-жой бинолари.

А. Тўраев фотолари.

Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик театрининг биносида Ўрта педагогика билим юртлари бадиий ҳаваскорларининг VII республика кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Анъанага айланган бадиий ҳаваскорлик коллективларининг ўзига хос баҳслашуви доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига ва фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 35 йиллигига бағишланганди.

«Бахтли ёшлигимиз учун Коммунистик партияга раҳмат!» шиори остида ўтказилган ушбу анжуманни Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ташкил этди. Конкурс натижалари республикамизда бадиий ҳаваскорлик санъати кенг ривожланиб бораётганлигини, ёшлар репертуаридан партияни, она-Ватани, дўстликни, бунёдкор меҳнат кишисини улуғловчи куй ва қўшиқлар кенг ўрин олганлигини намойиш қилди.

Кўрик-конкурснинг биринчи даражали дипломига Тошкентдаги Ю. Ражабий номидаги ва В. И. Ленин номидаги, Янгийўл ва Косонсой шаҳарларидаги педагогика билим юртларининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари сазовор бўлдилар. Иккинчи даражали диплом олганлар орасида Тошкентдаги Н. К. Крупская номли ва Ангрен шаҳар педагогика билим юрти студентлари ҳам бор.

Ғолиблар якунловчи концертда ўз маҳоратларини яна бир карра намойиш қилдилар.

Ҳ. РЎЗИМАТОВ.

Спорт

ҲИСОБ ОЧИЛМАДИ

Мамлакат футбол чемпионати олий лига командаларининг навбатдаги ўнинчи тур ўйинлари анча сермаҳсул бўлди. Унда рақиблар дарвозасига 22 та тўп киритилди. Энг йирик ҳисоб Тбилисида қайд қилинди. Динамочилар Ростов армиячиларини 4:1 ҳисобида маглуб этдилар. Киевнинг «Динамо» командаси ҳам чиройли ўйин кўрсатди. Улар «Кубань» дарвозасига тўртта жавобсиз тўп киритишди. Шу турда Бокунинг «Нефтчи» командаси футболчилари биринчи ғалаба нашидасини сурдилар. Озарбайжонлик спортчилар «Черноморец» устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Фақат бир учрашувда ҳисоб очилгани йўқ. «Пахтакор» ва мамлакат чемпионатининг ўтган йилги кумуш совриндори «Шахтёр» учрашуви 0:0 ҳисобида тугади. Пахтакорчилар ўз майдонларида ҳужумдан кўра кўпроқ ҳимояга эътибор берганлари учун чиройли ўйин кўрсата олишмади. Қолган учрашувлар қуйидаги натижа билан тугади: «Торпедо» — «Динамо» (М) — 1:1, «Қайрат» — «Карпати» — 2:0, «Динамо» (Мн) — «Спартак» — 1:1, «Арарат» — «Локомотив» — 2:1.

Ўн турдан сўнг турнир жадвали қуйидаги манзарани олди:

Командалар	Ю	Д	М	Т	О
«Динамо» (Тб)	6	3	1	20-7	15
«Динамо» (К)	6	2	2	21-9	14
«Спартак»	5	4	1	13-4	14
СКА	4	4	2	13-11	12
«Динамо» (Мн)	3	6	1	13-8	12
«Зенит»	4	3	3	13-14	11
«Арарат»	3	5	2	10-9	11
«Динамо» (М)	3	5	2	9-8	11
«Пахтакор»	3	4	3	9-8	10
«Черноморец»	3	4	3	6-6	10
«Торпедо»	3	4	3	6-7	10
«Қайрат»	3	4	3	11-13	10
ЦСКА	3	3	4	7-13	9
«Шахтёр»	2	4	4	10-12	8
«Локомотив»	2	3	5	11-13	7
«Кубань»	1	4	5	7-13	6
«Нефтчи»	1	4	5	4-14	6
«Карпати»	1	2	7	6-20	4

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ФАХРИЙ ЁРЛИҚ МУБОРАК

Шу кунларда областимиз спортчилари ҳам Москвада ўтказиладиган XXII ёзги Олимпиада ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар «Олимпиада фақат олимпиадачилар учун эмас» шиори остида турли мусобақалар ташкил этиб, қувончли натижаларни қўлга киритишмоқда. Спорт ўйинларини оммалаштирмоқдалар.

Ўтган йили областимиз бўйича тўрт халқаро класслаги спорт мастери, 60 нафар СССР спорт мастери, 850 нафарга яқин мастерликка номзодлар, кўплаб ГТО нишондорлари ва оммавий разрядли спортчилар тайёрланди. Бу соҳа кўрсаткичлари бўйича пойтахтликлар республика областлари орасида карвонбошилик қилдилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети ташкил этган мусобақада ғолиб бўлган спортчиларимиз ана шу комитетнинг Фахрий ёрлигини қўлга киритишга мушарраф бўлдилар. Юксак мукофотни тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети раисининг ўринбосари Ю. П. Егоров топширди.

Социалистик мусобақа шартларига кўра республика районлари ўртасида энг юксак кўрсаткичга эришган физкультура ва спорт комитети ҳам СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг фахрий ёрлигига сазовор бўлади. Йил якунига кўра ана шу юксак мукофотни Оржоникидзе райони спортчилари қўлга киритганлиги, айниқса, қувончлидир.

— Районимиздаги ҳар бир корхона ва муассасада, колхоз ва совхозда, қурилиш ташкилотларида физкультура ва спорт оммалаштириб юборилган, — дейди физкультура ва спорт комитетининг раиси Г. Иброҳимов. — 10 ёшдан 60 ёшгача бўлган жами аҳолининг 37 проценти жисмоний тарбия машқларига ёки спорт секцияларига жалб қилинган. Ўтган йили районимиз бўйича 10220 нафар ГТО нишондори, кўплаб оммавий разрядли спортчилар, 13 нафар СССР спорт мастерлигига номзод ва етти СССР спорт мастери тайёрланди. Бу соҳадаги топшириқ 350 процентга бажарилди.

Физкультура ва спорт ишлари намунали йўлга қўйилганлиги учун мусобақа ғолиблари — пойтахт области ва Оржоникидзе райони вакиллари Иттифоқ миқёсидаги турнирларда фаол иштирок этиб, қувончли натижаларни қўлга киритишмоқда.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 ИЮНЬ СОАТ 12.00 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги — конкурсининг дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛЬ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулсара ЁҚУБОВА

Солистлар: Шерали ЖЎРАЕВ, опа-сингил Олмагул ва Урбугул СУЕРБОЕВАлар, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Мавжуда БАҲРИЕВА, Клара ХЎЖАЕВА, Ғуломжон ДАДАҲОНОВ, Валентина ПАШКОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — Нажот ТЎРАҲЎЖАЕВ.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, УЙ БОШҚАРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА УЙ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент областидаги шаҳарлар, аҳоли яшаш пунктлари, колхоз ва совхозларнинг территорияларида газ қувурлари тармоқлари жойлашган. Улар орқали областдаги саноат корхоналари, коммунал-маиший объектлар, аҳоли хонадонлари табиий газ билан таъминланади.

Газ қувурлари шикастланишининг олдини олиш, область истеъмолчиларини узлуксиз равишда газ билан таъминлаб туриш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда газ қувурларини муҳофаза қилиш қоидаларини унутмаслик ва унга риоя қилиш зарур.

ҚУЙИДАГИЛАР МАН ЭТИЛАДИ:

шаҳар (район) газ хўжалигининг ёзма равишдаги рухсатномасиз ҳар қандай ер қазиш, қурилиш, монтаж ишларини олиб бориш. Газ қувурларининг нормал ишлашини издан чиқарувчи ҳар қандай қалтис ҳаракат, жумладан:

столба ўрнатиш ҳамда газ қувурларига белгилар осиш;

иншоот (қудуқ) эшик ва люкларини очиш, ишлаб турган газ қувурига ўз билгича уланиш, шунингдек, газ қувурини ишдан чиқариши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракат қилиш; шаҳар (район) газ хўжалигининг руҳсатномасисиз газлаштирилган объектларни бузиш.

Газ қувурларининг нормал ишлашини издан чиқаришда айбдор бўлган лавозимли шахслар ва фуқаролар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

«ТАШОБЛГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ёзги меҳнат чораги бошланди. 10.35 — Карл Маркс. Навқиронлик йиллари. Бадиий фильм, 3-серия. 11.40 — Фильм-концерт. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Атроф муҳитни муҳофаза қилиш халқаро кунига бағишланган кинопрограмма. 16.15 — Набирам бўласан. Бадиий фильм, 2-серия. 17.30 —Ирина Колпакова рақсга тушади. 17.55 — От спорти бўйича СССР чемпионати. 18.25 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ ижодиёти. 20.15 — Суханова ёз. 20.25 — Карл Маркс. Навқиронлик йиллари. Бадиий фильм, 4-серия. 21.30 —Время. 22.05 — Телевизион викторина. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Гамлет. Фильм-балет.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.05 — Ўзбекистон пионерларининг йўкламаси. 12.35 — Биология. 13.05 — Республика педагогика билим юртлари кўрик-конкурси қатнашчиларининг якунловчи концерти. 18.00 — Фильм-концерт. 18.25 — Ленин қадамжолари бўйлаб. 18.45 — Бугун — атроф муҳитни муҳофаза қилиш халқаро куни. 19.15 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Озарбайжон совет композиторларининг қўшиқлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари адабий кечасининг очилишига бағишланган тантанали кеча.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Она тили. 20.55 — Реклама. 21.15 — Ёшлик. 21.45 — Ҳужжатли фильм. 22.05 —Қонунга мувофиқ. Бадиий фильм.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5|VI да Она қизим, 6|VI да Паранжи сирлари.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 13932 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1620. 14